

**Фарзанд –
жонга
пайванд.**

Ўзбек халқ
мақоли



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

АНДИЖОН ШАҲРИДА ФУТБОЛ БҮЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ-ИНТЕРНАТ ТАШКИЛ ЭТИШ ТҮҒРИСИДА

Баркамол авлодни тарбиялаш, қобилиятли ёшларни спортта фаол жалб этиш, миллий футболимизни янада кўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёш футболчиларни танлаб олиш ва уларда професионал иштиёқ, маҳорат ҳамда кўнікмаларни чукур ривожлантиришни таъминлаш, шунингдек, улардан футбол бўйича мамлакат клублари ва терма жамоаларига ишончли захирани шакллантириш максадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Футбол федерациясининг Андижон шахрида "Шўрбулоқ спорт соғломлаштириш" масъулияти чекланган жамияти спорт мажмуаси неғизида Халқ таълими вазирлиги хузуридаги футбол бўйича Ихтинослаштирилган макtab-интернатни ташкил этиш түғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб кўйилсинки: Андижон шахридаги футбол бўйича Ихтинослаштирилган макtab-интернат қобилиятли ёш футболчиларни танлаб олувчи ва тайёрловчи, мактабдан ташқари спорт-таълим муассасаси ҳисобланади;

футбол бўйича Ихтинослаштирилган макtab-интернат ўқувчиларининг таълим олиши яқин атрофдаги умумтаълим мактабида умумтаълим дастури бўйича амалга оширилади;

футбол бўйича Ихтинос-

лаштирилган макtab-интернатнинг умумий контингенти 120 нафар ўқувчими ташкил этади, улар томонидан тўрт йиллик бошланғич таълим яқунлангач ҳар йили танлов асосида 24 нафар қобилиятли ўқувчилар қабул қилинади;

футбол бўйича Ихтинослаштирилган макtab-интернатда ўқиш муддати 5 йилни ташкил этади, ўқиш яқунланганидан сўнг уларга тегишили сертификат берилади ва авваламбор олимпия захираси коллежларида кейинги маҳсус, касбхунар таълими берилиши таъминланади.

3. Куйидагилар Андижон шахридаги футбол бўйича Ихтинослаштирилган макtab-интернатнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

зарур ҳолларда футбол бўйича хорижий мураббийлар ва мутахассисларни таълиф қўлган ҳолда футбол соҳасида энг янги илмий-методик тавсиялар асосида ёш футболчиларни тайёрлаш борасида ўқув-машк жараёнларини юқори дараҷада ташкил этиш;

ўқувчиларнинг назарий тайёргарлиги ва техник-тактик кўнікмаларини таомиллаштириш, професионал фазилатларини ривожлантириш, шунингдек, замонавий футболни ривожлантириш ҳалқаро талабларига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон ёшлар (ўсмирлар) терма жамоаларини тайёрлаш даражасини ошириш;

Ҳалқаро футбол федерацияси тренерларини ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда футбол бўйича Ихти-

сослаштирилган макtab-интернат тренерлари малакасини тизимли асосда ошириши таъминлаш;

ўқувчи-футболчилар ва тренерлар таркибининг професионал маҳоратини ошириш учун хорижий футбол мактаблари, академиялари ва клублари билан тажриба алмашиш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш.

4. Белгилансинки, Андижон шахридаги футбол бўйича Ихтинослаштирилган макtab-интернатини молиялаш куйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Футбол федерацияси маблағлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

(Давоми 2-бетда.)

ЭЪЛОН! Абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси мълум қиласи:

2010-2011 ўкув йили учун тест синовлари асосида ўтказилган талабалар танлови натижалари республиканинг барча олий таълим муассасалари учун – жорий йилнинг 14 август куни соат 10:00дан бошлаб эълон қилинади (шунингдек, Давлат тест марказининг www.dtm.uz расмий сайти орқали);

тест синовлари натижалари юзасидан саволлар билан абитуриентлар ва ота-оналар вилоятлардаги университетлар, Жиззах политехника ва Навоий педагогика институтларида ташкил этилган Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат тест марказининг маслаҳат пунктларида мурожаат этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси

**ЭНГ ЯХШИ ЎЙИНГОҲ
БОЛАЛАРГА ҲАЙРАТ УЛАШМОҚДА**

Юнусобод туманидаги 307-мактабгача таълим муассасасига келган киши ўзини гўёки афсонавий мамлакатта тушиб қолгандай сезади. Яқинда бўлиб ўтган "Энг яхши ўйингоҳ" Республика кўрик-танловида 1-ўринга лойиқ топилган муассаса ўйингоҳида ва "Соғлом авлод" боғида ҳар куни болаларнинг кувноқ кулгуси жаранглайди. Мазза қилиб аргимчоқ учайтган қизалоклару сузиш ҳавзасида мусобакалашаётган болакайларни кўриб, уларнинг даврасига қўшилгингиз келади.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

АНДИЖОН ШАҲРИДА ФУТБОЛ БҮЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ-ИНТЕРНАТ ТАШКИЛ ЭТИШ ТҮҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

5. Андижон вилояти ҳокимиги, "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси бир ой муддатда "Шўрбулоқ спорт соғломлаштириш" масъулияти чекланган жамияти спорт мажмуасининг ер майдони, бино ва иншоотлари, бошқа мол-мулкни белгиланган тартибида футбол бўйича Ихтинослаштирилган мактаб-интернат балансига бепул берилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда:

футбол бўйича Ихтинослаштирилган мактаб-интернат ўкувчиларини яшаш учун анжомлар, озиқ-овқат, шунингдек, спорт экипировкаси ва формаси билан таъминлаш нормативларини;

зарур бўлган ўкув-машқ, спорт ва хўжалик ускуналари, анжомлар, замонавий компютьор

тер техникаси, техника ва транспорт воситалари, шунингдек, футбол бўйича Ихтинослаштирилган мактаб-интернат учун бошқа мол-мулклар рўйхатини тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Футбол федерацияси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда:

футбол бўйича Ихтинослаштирилган мактаб-интернатнинг устави, мактабнинг тузилмаси, ўкувчиларни танлаб олиш тартиби белгиланган тартибида тасдиқланишини, шунингдек, унинг давлат рўйхатидан ўткалишини;

2010-2011 ўкув йили бошлангуга қадар — ёш футболчиларни тайёрлашнинг илгор халқаро тажрибасини ҳисобга оладиган ўкувчилар тайёрлаш дастури тасдиқланишини;

футбол бўйича Ихтинослаштирилган мактаб-интернатнинг юқори малакали мутахассислар билан бутланишини, зарур ўкув-методик адабиётлар тан-

лаб олинган ҳолда ўкув хоналари жиҳозланишини;

футбол бўйича Ихтинослаштирилган мактаб-интернат ўкувчиларини тайёрлаш сифати устидан мунтазам мониторинг олиб борилишини, зарур бўлганда уларни тайёрлаш жараёнига тегишили тузатишлар киритилишини таъминласин;

8. Ўзбекистон Футбол федерацияси:

футбол бўйича Ихтинослаштирилган мактаб-интернатга тизимли асосда ташкилий ва ўкув-методик ёрдам, шунингдек, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда кўмак берсинг;

2010-2011 ўкув йили бошлангуга қадар — ёш футбольчиларни тайёрлашнинг илгор халқаро тажрибасини ҳисобга оладиган ўкувчилар тайёрлаш дастури тасдиқланишини;

зарур бўлган ўкув-машқ, спорт ва анжомлар, замонавий компьютер техники, техника ва транспорт во-

ситалари, шунингдек, бошқа мол-мулк билан жиҳозланишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2010 йилнинг IV чорагида Халқаро футбол федерацияси тренерларини ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда футбол бўйича Ихтинослаштирилган мактаб-интернат тренерларининг малакасини ошириш курслари ташкил этилишини, шунингдек, Федерациянинг кадр ва илмий-методик салоҳияти футбол бўйича Ихтинослаштирилган мактаб-интернатни беъдиганда ташкил этилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2010 йилги давлат бюджети параметрларига тегишили ўзгартиришлар киритсан, 2011 йилдан

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2010 йил 12 август

И.КАРИМОВ

бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида ушбу қарорни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатларга таълим учун ажратиладиган маблағлар доирасида зарур маблағ ажратилишини назарда тутсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2010—2015 йилларда Андижон вилояти туар-жой массивлари учун коммунал инфраструктурини илдам ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида"ги 2010 йил 18 июняғи ПҚ-1355-сон қарорининг 9-банди, шунингдек, қарорга 1-илованинг I бўлими 15-банди ўз кучини ўйқотган деб ҳисоблансан.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

ЁШЛАРНИНГ МУНОСИБ ЎРНИ БОР

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» марказий павильонида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдағи «Таълим муассасаларининг битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар түғрисида»ги фармони ҳамда солик соҳасидаги сўнгги янгиликлар ва қабул қилинган конун хужжатлари асосида берилаетган солик имтиёзлари моҳиятни кенг тарғиб қилиш мақсадида Давлат солик қўмитаси, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирларини ҳамда бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда кўргазмали семинар ва меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Тадбирга Тошкент шаҳри ва вилоятда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари вакиллари ҳамда таълим муассасалари битирувчилари таклиф қилинди. Давлат солик қўмитаси раиси Б.Парниев юртимизда иқтисодиёт соҳасида ва солик тизимида кўп йиллардан бери самарали ишлар килинаётгани, соҳада яратиб берилаетган имкониятлар хусусида тўхтади.

Ҳар қандай йирик яратувчилик ишлари оддий тадбиркорликдан бошланади. Тадбиркор озроқ маб-

лаф жамғариши жараёнида ҳам қандайдир амалий кўнилмаларни эгаллайди, нималарнидир ўрганиди. Аста-секинлик билан пастдан юқори поғоналарга кўтарилиган тадбиркорнинг эртаси порлок бўлади. Шу ўринда айтиш керакки, мамлакатимизда тадбиркорликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида бозор иқтисодиётiga асосланган ҳуқуқий жамият талабларига мос келадиган иқтисодий испоҳотлар амалга оширилмоқда. Бугун мамлакатимиз ёшли-

рига ўз истак ва хоҳишларига кўра ўқиш, билим олиш, касб-хунар эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Давлатимиз томонидан ушбу йўналишга қаратилаётган ўтибор натижасида, ўтара маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини битирган кичик мутахассисларни иш билан таъминлаш ҳам устувор вазифа сифатида белгиланиб, минглаб ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топшишига яқиндан кўмак бериб келинмоқда. «Баркамол авлод йили» давлат дастурига мувофиқ ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, тадбиркорликка ёшларни, биринчи навбатда касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олият ахоли таълим муассасалари битирувчиларини кенг жалб қилиш, ёшларимиз келажагига бўлган ўтиборнинг яна бир намунасидир.

Анвар ҚОБИЛОВ,
«Ma'rifat» мухбари

* * *

мактаб кийими ва пойабзаллар савдоси кенг йўлга кўйилган. Сирдарёдаги 4та шаҳар, 8та туман маркази ва Гулистон шаҳар марказий бозорида ташкил этилган мактаб бозори ва ярмаркалар ота-оналар, болалар билан гавжум.

Бу йил фарзандларим Сораҳон ва Абдували Гулистон шаҳридаги 3-мактабнинг 5, 7-синфларига ўқишига боришиди. Биз яшаётган ҳудуд — «Маданият» маҳалласида жойлашган «Мактаб бозори» ярмаркасидан уларга кийим ва пойабзал, ўкув куроллари харид қиляпмиз, — дейди харидор Мунира Махсумова.

Вилоят ҳалқ таълими бошқармаси мактаб ярмаркаларининг самарали ишлаши учун вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси ҳамда пойтахтдаги нашриётлар билан кўп йиллардан бўён яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ,
«Ma'rifat» мухбари

Ҳар йили катта тўй — мустақиллик байрами арафасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида умумхалқ ҳашари ташкил этилиши юртдошларимиздаги файрат ва шиҷоатни ошириб, уларни янада фаолликка унданомқа.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари томонидан ҳам республикамида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни кучайтириш, ижтимоий ҳамкорлик, бегараз ёрдам ва меҳрурваттаб каби фазилатларни юксалтириш, маҳаллалар ҳудудларини ва аҳоли турар жойларини, таълим муассасаларини ва унга ёндош хиёбон, боф-роғларни ободонлаштириш, барча ҳудудларда санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш, истиқол тантаналарига пух-


ФАЙРАТ ВА ШИҶОАТ ТАНТАНАСИ

та тайёргарлик кўриш мақсадида тизимдаги барча муассасаларда жорий Йилнинг август ойи ободонлаштириш ва тозалик ойлиги, деб ўзлон қилинди ҳамда 14—15 август кунлари умумхалқ ҳашарини уюшқоқлик билан ўтказиш белгиланди.

Умумхалқ ҳашаридан доирасида таълим муассасалари ва уларга яқин ҳудудларда дарахтларни оқлаш ва буташ, гул кўчатлари, мевали ва манзарали дарахтлар экиш, кўчалар ҳамда йўлакларни текислаш, курилиш ва майший чиқиндиларни ташкилий равишда тўплаш ва белгиланган жойга чиқариб ташлаш, ариқ ва лотоклар, оқава сув тизими, кудукларни тозалаш, болалар майдончаларини тартибга келтириш, кекса ва ногиронлар, бокувчинини ўйқотган ёлғиз кишилар, кам таъминланган оиласларнинг ўй-хой шароитларини яхшилашга кўмаклашиб каби зэгу ишларни бажариш режалаштирилган.

Жамоамиз билан умумхалқ ҳашаридан фаол иштирок этмоқчимиз, — дейди Юнусобод туманидаги 160-мактаб ўқитувчиси Сайёра Йўлдошева. — Ҳашарда зарур бўладиган техника воситалари ва анжомлари ишга шай. Ўкувчиларимиз синф хоналарини янги ўкув хозирлаш, мактаб ховлисида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш тараддуудида. Шунингдек, курилиш таъмирлаш жараёнида мактаб ховлисига тўплланган чиқиндиларни белгиланган жойга чиқариб ташлаш ҳам кўзда тутилган.

Дилшод КАРИМОВ,
«Ma'rifat» мухбари



Бугун мамлакатимиз ҳудудларида мактаб ярмаркалари қизгин иш олиб бормоқда. Уларда ўкувчиларнинг эҳтиёжи учун зарурий ўкув анжомлари,

Суратда: Сирдарё вилояти мактаб бозори ва ярмаркасидан лавҳа.

Самарқанд давлат университети қошидаги 1-сон таянч академик лицейнинг З нафар ўкувчи жорий йилда бўлиб ўтган умумтаълим фан олимпиадасининг Республика босқичида совринли ўринларни эгаллади. Бу уларга муддатидан олдин ўзлари истаган олий ўкув юртига кириш имтиёзини ҳада этди. Умуман, мазкур таълим муассасаси ўкувчининг бу каби ютуги биринчиси эмас. Шу боис ушбу лицейда таълим олиш истагини билдирган ёшлар сони йилдан-йилга ортиб бормокда.

Таълим маскани ўқитувчи-мураббийлари "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларини амалга ошириш мақсадида 2005–2010 йилларга мўлжалланган жорий ва истиқбол иш режаларини ишлаб чиқсан бўлиб, унда ўкув ва услубий, маънавий-маърифий, хўжалик ишлари алоҳида эътиборга олинган. Асосийси, бу даргоҳда меҳнат қиласётган ҳар бир педагог-ўқитувчи ДТС талаблари асосида тасдиқланган шахсий иш режасига эга.

Даставвал ўкув-моддий база мустаҳкамланиб, 8та фан кафедраси ташкил этилди. Олий ўкув юртлари жамоалари билан алоқа ўрнатишга жиддий эътибор қаратилди. Ҳозир бу ерда СамДУ кафедраларининг филиаллари ташкил этилган. Уларга университетнинг юқори малакали профессор-ўқитувчилари рахбарлик қилишмоқда.

Фан-техника тараққиёти таълим тизими такомиллашувига ҳам ижобий таъсир кўрсатаяпти. Ўкувчиларнинг чуқур билим эгаллашлари ва дунёқарашларининг ўсишида Ахборот-ресурс марказлари (АРМ) фаолиятининг алоҳида ўрни бор. Лицейда ташкил этилган АРМ йилдан-йилга янги адабиётлар билан бойитилиб, хизмат кўрсатиш сифати ошиб бормокда.

Айни пайтгача лицей ўқитувчилари томонидан 49 та ўкув қўлланмалар ва маъруза матнларидан тайёрланган электрон дарсликлар сони 194тага етди. Шулардан 101таси умумтаълим фанларига 12 таси ижтимоий-сиёсий фанларга оид.

Жамоамизнинг малакали педагоглари СамДУ профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда яратган дарслик, ўкув ва услубий қўлланмалари Республика миқёсида кенг оммалашган, — дейди лицей директори М.Абдураҳмонов. — Шунингдек, педагог-ўқитувчилар томонидан ёзилган 320га яқин илмий, услубий мақалалар, илмий журналлар ва турли тўпламларда чоп этилган.

Ҳозир мазкур таълим масканида СамДУнинг 5та (математик анализ, ўзбек мумтоз адабиёти, Ўзбекистон тарихи, физика-кимё, немис тили) кафедралари нинг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. 176 нафар ўқитувчи-педагог ўкувчиларга фан сирларини чуқур ўргатишга ҳаракат қилишмоқда. Уларнинг 4 нафари фан доктори, 17 нафари фан номзоди, бир нафари "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳалқ таълими ходими", бир нафари "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

ёшлар мураббийси" фахрий унвони, 11 нафари Ўрта махсус, касб-хунар таълимни аълочиси, 7 нафари Халқ таълимни аълочиси хисоблашиди.

Илгор педагогик технологияларни таълим жараёнида қўллаш учун ўқитувчи етарли малакага эга бўлиши зарур. Таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида тасдиқланган режа асосида узлуксиз равишда ўқитувчиларнинг малака оширишлари йўлга кўйилган.

Иқтидорли ўкувчилар билан ишлаш, уларни фан олимпиадаларига тайёрлашва илмий ишлар олиб бо-

сирларини янада чуқурроқ ўрганадилар. Дарслар асосан янги педагогик технологиялар асосида ташкил этилаяпти. "Ақлий хужум", "Конференция", "Мусобақа", "Фестивал", "Гурухлар беллашуви" сингари янги ва ўзиға хос услублар асосида ўтилган дарслар ўкувчилар билим самарадорлиги ошиши учун муҳим омил бўлаёттир. Натижা ҳам шунга яраша бўлмоқда. Лицей ўкувчилари Республика ва халқаро фан олимпиадаларида катнашиб, юқори ўринларни эгаллаб қайтишмоқда. Жумладан, кимё фани бўйича 42-халқаро Менделеев олимпиадасида лицей ўкувчилари Нилюфар Бобоқамбара ошини ўринга сазовор бўлди.

2008-2009 ўкув йилида ўтказилган фан олимпиадаларида катнашган лицей ўкувчилари вилоят босқичида Зта фан бўйича 3-, 5ta

мэрраларни забт этишида мана шу илм маскани педагог-ўқитувчиларининг, айниқса, она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари Келдиёр Жўраев ва Насиба Бўрнова, инглиз тили фани ўқитувчisi Дилбар Маматкуловаларнинг хизматлари бекиёс бўлди. Шу ўринда ўкувчиларга таълим-тарбия беришда устоз-мураббийлардан Г.Равшанова, Н.Муҳаммадиева, А.Бобоев, З.Умурзоқовнинг фидокорона меҳнатларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шогирдларимнинг зафари, уларнинг ютуғи менга куч-куват бағишлидай, — дейди академик лицейнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчisi К.Жўраев. — Ҳар йили бир, иккى нафар шогирдим танлов ёки фан олимпиадасининг Республика босқичида голиб бўлди. Ситоранинг бу йили ютуғи ҳам ана шулардан

РЕЖАЛИ ФАОЛИЯТ

ЮТУҚ ВА МУВАФФАҚИYТАРЛАРГА ЗАМИН ЯРАТМОҚДА



ришга қизиқтириш мақсадида "Кичик академия" ташкил этилган. Шунингдек, Самарқанд шахрида жойлашган 7та олий ўкув юрти, ЎзФА Самарқанд филиали, Зта илмий текшириш институти, вилоят ва шаҳар кутубхоналари, Романовский номидаги математика институти ва Германиянинг Гёте институти билан ҳамкорлик шартномалари тузилган. Улар билан биргалиқда иқтидорли ўкувчиларнинг чуқур билим олиб, илмий изланишлари учун етарли шароит яратишга ҳаракат қилинмоқда.

Иқтидорли ўкувчиларни лицейга жалб қилиш бўйича вилоят, шаҳар ва туман ҳалқ таълими бўлимлари, маҳалла фаоллари билан ҳамкорлик йўлга кўйилган. Ҳар бир ўкувчи педагоглар диккат-эътиборида туради. Дарсдан кейинги бўш вақтларда улар ўзлари хоҳлаган йўналишлар бўйича тўғракларга жалб этилиб, фан

фан бўйича 2- ва 4та фан бўйича 1-ўринни эгаллашган. Республика босқичида рус тили (рус гуруҳлари бўйича) фанидан Малика Тошкувватова ва ўзбек тили (рус гуруҳлари бўйича) фанидан Нафиса Дўсматова учунчи ўринни қўлга киритиб қайтган эди.

Мазкур лицей ўкувчиларининг жорий ўкув йилида эришган муваффакиятлари ўтган йиллига нисбатан анча юқори бўлди. Фан олимпиадаларинида вилоят босқичида бта учинчи, 4та иккичи ва 5та биринчи ўринни эгаллаган лицей ўкувчиларидан 3 нафари Республика босқичида ҳам зафар қутишиди. Она тили ва адабиёти фанидан Ситора Шомуродова 94 балл билан, инглиз тили фанидан Зарнигор Ҳожимуҳаммадова 92,45 балл билан, ўзбек тили (рус гуруҳлари бўйича) Нафиса Аролова 94 балл билан биринчи ўринни эгаллади. Уларнинг бу юксак

биридир. Устоз учун шогирдлар камолини кўришдан-да ортиқ бахт бўлмаса керак?! Лицейимизда С.Шомуродовага ўхшаган иқтидорли ўкувчилар анчагина. Бу ўкувчилардан ҳам умидимиз катта.

Айни пайтда фан олимпиадасида голиб бўлган Ситора Шомуродова ва Зарнигор Ҳожимуҳаммадова Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети, Нафиса Аролова эса Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг талабаси бўлиш шараfiga мусассар бўлди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур таълим муассасаси ўқитувчиларининг ўз касбларига сидқидилдан ёндашаётганлиги ўкувчиларнинг ҳар бир дарсни пухта ўзлаштиришига замин яратмоқда. Буни лицей ўкувчиларининг ютуқларидан билб олсак бўлади.

Ҳаким ЖўРАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Tajriba, sinov, natija



ҲАМ МАЛАКА, ҲАМ ШИФО

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, айниқса, таълим тизимидағи туб ўзгаришлар биз муаллимларнинг келажакка бўлган ишончимизни тобора кўпроқ ошироқмода, бу жараённинг фаол иштирокчиларига айлантироқмода.

Чунончи, биз яқинда вилюят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малақасини ошириш институтида ҳам ҳордик чиқардик, ҳам таҳриба ортиридик. Республика «Истеъод» жамғармасида тренерлик малақасини эгаллаб қайтган Сирдарё туманидаги 12-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси Гулсара Давронова, Бойев туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интерна-

Jarayon

ти тарих фани ўқитувчиси Воҳид Маҳмудов ҳар беш кун мобайнида таълимдаги энг сўнгти янгиликлардан воқиф қилиб, замонавий дарс ўтиш услубларини ўргатишшайти.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси замонавий руслумдаги тибиёт ускуналарини тўғридан-тўғри институт ётоқхонасида олиб келиб ўрнатди. Малакали шифокорлар физиотерапевтик муолажалар кўрсатди. Кимдир саломатлигини янада мустаҳкамлаган бўлса, айрим устоз-педагоглар ўзларида эндиғина пайдо бўлаётган хасталикларнинг олдини олишга муваффақ бўлди.

Худди санаторийлардаги каби уч маҳал иссиқ овқатнинг ташкил этилгани инсон омилига эътибор ҳар қачонгидан ортиб бораётганидан далолатdir.

Республика «Истеъод» жамғармаси ижрочи директори ўринbosари Р.Ишмуҳаммедининг пойтахтдан келиб маърузалар ўқиши бизда илиқ таассурут қолдирди.

Вилоят ҳалқ таълими бошқармаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси ва «Маърифатпарварлар» жамиятининг саъй-ҳаракатлари биз устоз ва мураббийларга янгича гайрат ва ўзгача иштиёқ бағишилади.

Янги ўкув йили олдидан жойларда бўлиб ўтадиган август кенгашларида маҳсус курсларда олган ана шу билим ва малакаларимизни ҳамкасларимиз эътиборига етказамиз. «Бирниги мингга, мингники туманга» деганларидек, янги ўкув йили олдидан янада кўплаб устоз ва мураббийлар энг сўнгти педагогологиялар ва таълимдаги ислоҳотлар, янгиликлардан бевосита воқиф бўладилар.

Аскарали ҲОЛБОЕВ,
Гулистон туманидаги
17-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АНДИЖОН ВИЛОЯТ БҮЛСИМ ҲАМДА ЎМКХТ БОШҚАРМАСИННИГ ҲАМКОРЛИКДАГИ ДАСТУРИГА МУВОФИК АНДИЖОН ТУМАНИДАГИ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ НИНГ 50 НАФАР БИТИРУВЧИСИГА ИМТИЁЗЛИ МИКРОКРЕДИТ ОЛИШНИ ҶАФОЛАТЛОВЧИ СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ. БУ ЁШ МУТАХАССИСЛАРНИНГ БАНКДАН САРМОЯНИ ОВОРАГАРЧИЛИКСИЗ ОЛИШНИ, ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЖАДАЛ БОШЛАШИНИ, МУХИМ ИШ ЎРНИГА ЭГА БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш долзарб ва масъулиятли вазифа бўлиб турган чоғда изланиш, ички имкониятлардан ўринли фойдаланиши оғирни енгил қилишга кўмаклашмоқда. Чунончи, иқтисодиёт касб-хунар коллежи битирувчилари — Беҳзод Бедилов, Ўткирбек Йўлдошев, Одилжон Иброҳимов нон ишлаб чиқариши йўлга қўйиш учун ҳаракатни биргаликда бошлаши. Ёш мутахассисларга бизнес режа тузишида устозлари маслаҳатлари билан ёрдам кўрсатди. Маҳсулотга бўлган эҳтиёж ўрганилди. Қадрдан коллеж ошхонаси яқинидан жой танланди. Энди буёғи файрату шижоатга боғлиқ.

Тенгдошлари қатори шу коллежни битираётган Зинда Абдураҳмонова, Ойдиной Мамадалиева тикувчилик билан шуғулланишни мақсад қилишди. Уч давомида олган билимлари ўргангандари, банкнинг микрокредити тадбиркор-тикувчи бўлишларida асқотади.

Битирувчиларнинг ҳар бири ёшлик орзу-умиди билан ўзи кизиқан йўналиши танлаган. Кимдир хунармандчилик, бошқаси чорвачилик билан шуғулланиб, пазандачиликда ўзининг билиму малакасини кўрсатишга киришяпти. Уларнинг яратувчиликка иштиёки кучли. Бу истаклар рўёбга чиқишида мухим омил бўлади.

Битирувчиларга сертификатларни Андикон тумани ҳокими А.Акбаров, вилоят ҳокимлиги котибияти мудири С.Махмудов тантанали тарзда топшириди.


О.СИДДИКОВ

ҚИБРАЙ ТУМАНИДАГИ 29-МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ЁЗГИ МАВСУМ ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН СОҒЛОМЛАШТИРИШ ИШЛАРИ РЕЖАСИГА БИНОАН ТУРЛИ ТАДБИРЛАР УЮШТИРИЛМОҚДА.

Ана шундай маданий-маърифий тадбирлардан бири "Жажки қизлар" деб номланди ва унда боғчада тарбияланаётган қизлар иштирок этиши. Иштирокчилар пазандалик, соч турмаклаш, шеър-қўшиқ айтиб, рақса тушиш, топишмокларга тезкор жавоб бериш каби синовларда ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Уларнинг хатти-ҳаракатларини кўрган ота-оналар фарзандларининг пухта билим олиб тарбияланаётганини мамнуният билан таъкидлаши.

Тадбир якунда таълим муассасаси раҳбари томонидан фаол иштирокни қизалоқларга ва уларнинг ота-оналарига фаҳрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Гўзал ПЎЛАТОВА



Библиография атамаси грекча «матбуот» ва «ёзув асарлари» сўзларидан ташкил топган. Замонавий тушунчалардан келиб чиқадиган бўлсак, вақтли матбуот нашрлари кўринишидаги ахборотни саклаш ва тарқатиш — библиографиянинг асосий вазифасига киради. Қолаверса, фойдаланувчиларни керакли ахборот билан таъминлашда ҳам тезкорлик ва қулатликни ваъда қилаётган библиографик хизматнинг ўрни бекиёс.

Мамлакатимизда мазкур соҳани ривожлантириш, вилоят, туман ва мактаб АРМ ходимларини зарурӣ билим ва кўнижмалар билан куроллантириш мақсадида Республика илмий-педагогика кутубхонаси томонидан «Ахборот-библиографик ва маълумотнома библиографик хизмат кўрсатиш — фойдаланувчиларнинг маънавий, маданий, таълимий эҳтиёжларини қондириш асоси мавзудаги семинар-тренинг ташкил этилди. Юртимизнинг барча вилоятларидан ташриф

АХБОРОТ ВА ФОЙДАЛАНУВЧИ: масофалар қисқармокда

буорган соҳа вакиллари Зундук машғулотлар давомида кутубхоначилик фаолияти ҳамда айнан библиографик хизмат кўрсатишни режалаштириш борасида каттагина тажriba тўтлашга улгурди.

— Семинар машғулотлари тизимли холда библиографик хизмат ва бу борада олиб бориляётган ишлар, электрон картотекалар ташкил этиши мавзуларига йўналтирилди, — дейди РИПК илмий-методик бўлими мудири Р. Ратнер. — Биринчи машғулотда АРМ ходимлари тез орада ўзларини қизиқтирган саволлар, янги инновацион технологияларни қўллаш тажрибалари билан фаол иштирок эта бошлаши. Бу эса маърузаларимиз натижা берадиганидан далолат. Таъкидлашим керакки, семинар

нап-тренинг машғулотлари га чиндан ҳам касби, бажараётган ишини севадиган, бу ерда олинган янги билимларни кейинчалик ўз вилоятида ҳам тарғиб қила оладиган АРМ раҳбарлари таклиф этилган.

Ахборот-библиография ва маълумотнома-библиография хизмати фойдаланувчиларнинг ахборот олиш имкониятларини кенгайтиради. Навбатдаги вазифа — фойдаланувчилар доирасини кенгайтириш, нафақат таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар ёки илим билан шуғуланаётган инсонлар, балки аҳолининг барча қатламлари АРМ хизматларидан фойдаланишга эҳтиёж сезиши керак.

— Бизда маҳаллалар билан ҳамкорлик йўлга кўйилган, — дейди Сирдарё вилояти АРМ

раҳбари Л. Ҳусанова. — Жойларда китобхонлик бурчаклари ташкил этилган. Бу билан биз ўй бекалари, нафақадаги инсонларнинг ҳам АРМ хизматларидан фойдаланишига эришидик. Вақти-вақти билан ўтказиладиган анкета сўровлари аҳолининг маънавий эҳтиёжларини ўрганиш ва интерфаол усулда иш олиб бориш имкониятини яратди.

Семинарда иштирок этажи АРМ ходимлари библиографик хизмат кўрсатиш юзасидан тайёрланган слайдларни намойиш этгач, камчилик ва ютуқлар муҳокама қилинди. Жараёнда Навоий, Фарғона ҳамда Қашқадарё вилоятларининг иш тажрибаси бошқаларнига қараганда устурроқ эканлиги маълум бўлди.

— Аҳолининг барча қатлам-

лари билан кенг кўламли ишлар олиб бориш учун, албатта, АРМ фаолияти хусусида уларга тўлиқ маълумот беришимиш керак. Шу кунгача биз ахборот тарқатишни билар эдик, бироқ уни қандай тарқатиш ҳам мухим аҳамиятга эга экан. Семинар давомида биз аҳолини ўзига хос реклама орқали жалб қилиш йўлларини ўргандик. Бунда АРМ доирасида ўтказиладиган тадбирлар, унинг фаолиятини ОАВ орқали ёритиш, янги инновацион усуллардан фойдаланиш яхши самара бериши маълум бўлди.

Семинар иштирокчилари ахборот-кутубхона ресурсларини ташкил этишнинг прогрессив усувлари тўғрисида маълумот берилди ҳамда улар Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона фаолияти билан таништирилди. Хулоса шуки, келажақда фойдаланувчи ва ахборот ўртасидаги масофа янада кисқаради. Ахборот билан ишлаш имкониятлари эса янада кенгайиб боради.

В.ҚАРШИБОЕВА

ДЎСТЛИК ТУМАНИДАГИ 4ТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА КУНДУЗГИ ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОХИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТДИ. УЛАРДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН, ИЖТИМОИЙ МУХОФАЗАГА МУХТОЖ ОИЛАЛАРНИНГ 1-4-СИНФЛАРДА ЎКИДИГАН 360 НАФАР ФАРЗАНДИ ХОРДИК ЧИҚАРДИ.

Оромгоҳларда ҳар бир бола уч маҳал иссик овқат билан таъминланди. Таомномалар таркибидан хўл мева, сабзавот, сут ва сут маҳсулотлари ўрин эгаллаган.

Дам олиш масканларида тасвирий санъат, миллий ўйинчоқлар ясаш, каштачилик, хунармандчилик, шахмат-шашка, теннис тўгараклари мунтазам равишда фаолият олиб борди. Уларга туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамда музика ва санъат мактаби мутахассислари сабок берди. Турли спорт мусобақалари ташкил этилди.

Шу билан биргаликда, тумандаги ҳар бир мактабда кундузги уч соатлик оромгоҳлар ташкил этилиб, уларда ёзги таътилини ўз уйларидан ўтказаётган ўқувчилар жалб қилинди. Болажонларга ҳомийлар хисобидан шифобаҳаш мева шарбатлари, ширинликлар берилди.

Оромгоҳларда дам олаётган болаларга барча шароитлар мухайё қилинди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамда вояга етмаганлар билан ишловчи ички ишлар ходимлари ушбу оромгоҳлар фаолиятини тўғри ташкил этилди, — дейди туман халқ таълими бўлими қасаба уюшмаси кўмитаси раиси Азим Фаффоров. — Шунингдек, туманимиздан 100 нафар ўқувчи Фориш тоглари бағридаги сўлим "Табассум" оромгоҳида мароқли хордик чиқаришиди.

Санжар РУСТАМОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ЁЗГИ ТАЪТИЛ МАВСУМИДА ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШ МАҚСАДИДА ИИБ ПРОФИЛАКТИК ҲИСОБИДА ТУРУВЧИ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР УЧУН «КАМОЛОТ» ЁИХНИНГ ХУДУДИЙ БЎЛИМЛАРИ ВА ВИЛОЯТЛАРДАГИ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯ ТОМОНИДАН ҲАРБИЙ-СПОРТ ОРОМГОҲЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Уларни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад вояга етмаганлар орасида хуқуқбузарлик, жиноятичлик ва турли диний экстремистик оқимларга, гиёҳвандликка кириш ҳолларининг олдини олишга қаратилган бўлиб, шу билан бирга, болаларни соғломлаштириш, хуљини ижобий томонга ўзгартиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

— Оромгоҳларда «Камолот» ЁИХ, ҳокимликлар, ИИБ, прокуратура, маданият ва спорт ишлари бўлими, Болалар спортини ривожлантириш ва «Махалла» жамғармалари, ОИТС маркази вакиллари томонидан амалий машғулотлар, ўкув-семинарлар, спорт мусобақалари, давра сұхбати ва учрашувлар уюштирилмоқда, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаси мутахассиси Маъмур Баёнов. — Ҳусусан, Фарғона вилояти Кувасой туманидаги «Ниҳол», Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Бойчек», Сурхондарё вилояти Узун туманидаги Х.Кулиёзов номидаги оромгоҳ, Самарқанд туманидаги «Соғлом авлод» ва Жиззах туманидаги «Пахтакор» оромгоҳларида ана шундай спорт-соғломлаштириш тадбирлари уюшқолик билан ўтказилди. Бу масканлarda ёшлар «Оромгоҳдаги илк кунларим», «Шу Ватанга бордир менинг керагим» мавзуларида иншо ёзишган бўлса, «Табиат кўйнида бир кун» шиори остида манзарали жойларга саёҳат уюштирилди. Доривор ўсимликлар билан танишиш, уларни йигиши ишлари ҳам амалга оширилди.

Анвар ҚОБИЛОВ

ГУЗОР ТУМАНИДАГИ МОЛИЯ-ИҚТИСОД КОЛЕЖИДА ҚАРШИ ШАҲАР «ЭСКИ МАСЖИД» ТАЖРИБА ТЕАТР СТУДИЯСИ ТОМОНИДАН «КЕЛАЖАК ОЛДИДА МАСЬЮЛ АВЛОДМИЗ!» ДЕБ НОМЛАНГАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.

Театр жамоаси ушбу учрашувга жиддий тайёргарлик кўрганини саҳна безакларининг кўчма ва ихчам ҳолатда тайёрлангани ҳамда томоша жараёнида ҳар бир ижрода мос равишида декорацияларнинг алмаштириб турилишидан англаш қийин бўлмади. Ватан, она-табиат, келажак олдидаги бурч каби мавзуларда ижро этилган ҳар бир қўшиқ саҳна кўринишидаги чиқишилар билан тўлдириб борилди. Томошабинларда, айниқса, «Алла сеҳри» деб номланган ривоят асосида саҳналаштирилган кўриниш катта таассурот қолди.

Томошабинлар театр жамоасини узоқ вақт олқишилар экан, бундай тадбирлар кўп ташкил этилиши кераклигини таъкидлаб, ўз миннатдорчиликларини билди.

Хусниндин НУРИДДИНОВ



Дарҳақиқат шундай. Инсон ўзи яшаб турган давр, ён атрофида рўй бераётган воқеиликлар, янгиланиш ва ўзгаришлар, мавжуд муаммолар ечимиға ўзини дахлдор сезсагина кутилган натижаларга эришилади. Бирничи мингга деганларидек, эзгу ҳаракатлар жамланиб миллат, халқ манфаати учун хизмат қилувчи залворли одимлар ташланади. Тъбир жоиз бўлса, касаба уюшмалари ана шундай масъуллик билан соҳа ходимларини ҳар томонлама кўллаб-кувватлаш, уларнинг саломатликларини муҳофазалаш, хукуқларини ҳимоя қилишини ўзининг асосий вазифалари сирасига киритади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг IV қурултойи ишини кузатиб бунга яна бир бор амин бўлдик. Дарвоке, анжуман олдидан делегатлар фаолият юритаётган тизимга кўра, гурухларга бўлинган ҳолда ташкил этилган турли семинар ва учрашувларда иштирок этди.

Биринчи учрашув Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига бўлиб ўтди. Тадбирда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири Баҳодир Ходиев иштирок этиб, ўз сўзида жумладан янги ўкув йилида олий ўкув юртларида “Биринчи курслар мактаби” ташкил этилиши ҳақида фикр билди. Шунингдек, тест синовларидан муваффақияти ўтиб, ўқишига кирган 1-курс талабаларига электрон дарслеридан мажмуаси тақдим этилиши кўзда тутилган. Ўз ўрнида таъкидлаш керакки, тизимдаги мавжуд долзарб муаммолар, уларнинг ечимида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси билан ҳамкорликдаги сайд-ҳаракатларнинг муҳимлиги ва аҳамияти хусусида ҳам тўхтаби ўтилди.

Шундан сўнг қурултой делегатлари Мустақиллик майдонида бўлиб, Эзгулик монументи пойига гуллар кўйишиди.

Республика Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими Марказида уюстирилган учрашувни марказ директори Шавкат Жавлонов кириш сўзи билан очиб, 2009—2011 йилларга мўлжаллаб тузилган Тармоқ келишувига кўра, республика бўйича 110 минг нафар педагогнинг ижтимоий ҳимояси таъминланганлиги, жорий йилда 99 та ўкувчи-ёшлар тураржоин янгидан курилиб, 124 таси реконструкция қилинганлиги ҳамда 223 таси капитал таъмирдан чиқарилганлигини алоҳида тилга олиб ўтди.

Халқ таълими вазирлигига бўлиб ўтган учрашувга мазкур тизимда фаолият юритаётган делегатлар таклиф этилди. Тадбирлар сўнгидаги делегатларнинг бир гурухига вазирлик ҳамда Марказий Кенгаш томонидан фахрий ёрликлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Уларнинг 4 нафари «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони соҳиби бўлишиди.

Ўзбекистон давлат консер-

ваториясида ташкил этилган санъат усталари иштирокидаги концерт дастури эса барчага хуш кайфият улашди. Делегатлар ана шундай катта таассуротлар, янги ўйу режалар билан қурултой ишида жам бўлиши.

тон таълим ва фан ходимлари туман, шаҳар бирлашган касаба уюшмалари қўмиталари тўғрисидаги Низом» тасдиқланди. Унга асосан, 2008 йил сентябрь-ноябрь ойларида туман, шаҳар кенгашлари, вакилларидек, тутагалиб, улар негизида таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмиталари тузилди. Шунингдек, республика бўйича 14 та ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмиталари, ёшларнинг ижтимоий-иктисодий манбаатларини ва меҳнат соҳасидаги хукуқларини ҳимоя қилиш, уларни касаба уюшмаси фаолиятига жалб этиш борасида касаба уюшма органдарни фаолиятини мувофиқлаштириб борувчи таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ёшлар кенгаши ташкил этилди. Ўзбекистон Республи-

билан белгиланади. Шу маънода жамоа шартномалари ва келишувларини тузишда қонун хуҗожатлари меъёрларига амал

тармоқда хукуматимиз қабул қилган дастур асосида ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг таълим-тарбияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга ошириш ишлари яна-да кучайтирилмоқда.

Қурултой ишида, айтиш мумкинки, кейинги беш йил ичидаги амалга оширилган ишларга якун ясалди ва келгусидаги режалар белгилаб олинди. Музокараларда сўз олган Халқ таълими вазири ўринбосари А.Холбеков, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари У.Тошкенбоев, Тошкент молия институти касаба уюшмаси қўмитаси раиси З.Юлдашев, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгashi раиси Р.Деҳқонова, Янгийўл шаҳридан 10-мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси Ю.Хайдарова, Қарши давлат университети талабаси Н.Аббосхонова ва бошқалар уюшманинг ўрни ва олдида турган долзарб вазифалар хусусида тўхталиб ўтишиди.

Кун тартибидаги «Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаш тасаруфида 13 минг 980 та ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Бу ташкилотлар ўз атрофида 2 миллион 215 мингдан ортиг аъзоларни бирлаштирган. Уларнинг 300 мингдан ортиг 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Вилоятлар бўйича 28та, туман, шаҳарлар миқёсида 201та худудий — тармоқ келишувлари амал қилаётган бўлиб, касаба уюшмаси бошлангич ташкилотларида қабул қилинган жамоа шартномалари орқали 1 миллион 62 минг 927 нафар ишловчи ходимларнинг ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиниши назарда тутилган.

Касаба уюшмаларининг ижтимоий шерикчилик бўйича олиб бораётган ишларининг яна бир йўналиши мөнгистаги ҳақ тўланишини назорат кутийтирилди. Тармоқ мусассалари фаолиятини янада тақомиллаштириш мақсадида Кенгашнинг иқтидорли талабалар ва ўқитувчи профессорлар банки яратилди ва улар билан алоқалар мустаҳкамланди. Бу каби эзгу мақсадларга йўналтирилган ишлар хусусида узок тўхталиш мумкин.

Касаба уюшмаларининг ижтимоий ҳимоя функциясини амалга ошириш йўллари «Фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида Ўзбекистон касаба уюшмаларининг «Ҳаракат дастури» ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни ўқазиша давлатга кўмаклашиш, мөнгистаги ҳақиқатларнинг ижтимоий-иктисодий ҳуқуқ ва манбаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш, мөнгистаглар ва уларнинг оила аъзолари мъянавий ва жисмоний камолотига ёрдам беришга қаратилган учта бирламчи йўналишларда ўз аксини топган. Касаба уюшманинг ҳар қандай ташкилоти фаолияти самараси, биринчи галда уларнинг ҳар қандай мазмундаги келишув ёки шартнома тузилари

— Халқаро эксперталарнинг фикрича, Ўзбекистон ёшлар мамлакатидир — дея сўзида давом этди Н.Акбаров — конференциямиз ўтаётган шу кунларда ёшлар билан боғлиқ яна бир воқеа содир бўлди, яни БМТ томонидан 2010 йил 12 августан кейинги йилнинг шу санасигача “Халқаро ёшлар йили: ўзаро мулоқот ва бирбирини тушуниш” мақоми берилиди. Шу муносабат билан

Qurultoydan-qurultoygacha



БУРЧДОРЛИК ТҮЙГУСИ

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ БИРИНЧИ ОМИЛДИР



Касаба Президенти фармони ва хукумат қарори асосида олий ва ўрта маҳсус ҳамда умумтальим муассасалари ходимларига бериладиган устама ҳақнинг белгиланиши устидан назорат кутийтирилди. Тармоқ мусассалари фаолиятини янада тақомиллаштириш мақсадида Кенгашнинг иқтидорли талабалар ва ўқитувчи профессорлар банки яратилди ва улар билан алоқалар мустаҳкамланди. Бу каби эзгу мақсадларга йўналтирилган ишлар хусусида узок тўхталиш мумкин.

Касаба уюшмаларининг ижтимоий ҳимоя функциясини амалга ошириш йўллари «Фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида Ўзбекистон касаба уюшмаларининг «Ҳаракат дастури» ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни ўқазиша давлатга кўмаклашиш, мөнгистаги ҳақиқатларнинг ижтимоий-иктисодий ҳуқуқ ва манбаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш, мөнгистаглар ва уларнинг оила аъзолари мъянавий ва жисмоний камолотига ёрдам беришга қаратилган учта бирламчи йўналишларда ўз аксини топган. Касаба уюшманинг ҳар қандай ташкилоти фаолияти самараси, биринчи галда уларнинг ҳар қандай мазмундаги келишув ёки шартнома тузилари

— Халқаро эксперталарнинг фикрича, Ўзбекистон ёшлар мамлакатидир — дея сўзида давом этди Н.Акбаров — конференциямиз ўтаётган шу кунларда ёшлар билан боғлиқ яна бир воқеа содир бўлди, яни БМТ томонидан 2010 йил 12 августан кейинги йилнинг шу санасигача “Халқаро ёшлар йили: ўзаро мулоқот ва бирбирини тушуниш” мақоми берилиди. Шу муносабат билан

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши таркибига вакиллар сайлаш, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V қурултойига делегатлар сайлаш, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши таркибига вакиллар сайлаш мақсаларни ҳамда курултой қарорининг лойиҳаси кўриб чиқилиб, делегатлар томонидан бир овоздан мъқулланди. Носирхон Акбаров Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаш раиси этиб қайта сайланди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова иштирок этди.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
Соҳиба МУЛЛАЕВА,
«Ma'rifat» мухбирлари

Бурён РИЗО олган суратлар.



Avgust kengashlari sho'ba yig'ilishlari

ТАЪЛИМ СИФАТИ – УСТУВОР ВАЗИФА

Фарғона вилояти халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида шу мавзуда ўтказилган иккى кунлик ўкув семинарда асосий эътибор таълим сифати ва самарадорлигини ошириш усуллари ва воситаларига қаратилди.

Туман, шаҳар халқ таълими бўлими услубчилари, илгор ўқитувчилар иштирок этган анжуман бта шўъба доирасида фаолият олиб борди.

Ташкил этилган шўъбаларда ўқувчилар билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими ўкув жараёнiga татбиқ этиш, тизимда «Устоз-шогирд» мактаби амалиёти самарадорлигини ошириш, ўкув жараёнiga ахборот-коммуникация ва мультимедиа воситалари ҳамда электрон дарсларни жорий этиш, узвийлашган ва узлуксизлиги таъминланган ўкув дастурлари, узлуксиз методик хизмат кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш каби энг долзарб масалалар чукур таҳлил эти-

либ, мутахассисларнинг фикрлари тингланди.

Тренинг машгулотлари электрон-мультимедиалар асосида ташкил этилиб, мутахассислар жараёнда фаол иштирок этиб, зарур билим ва кўникмага эга бўлдилар.

Анжуманда 300га яқин энг фаол мутахассислар иштирок этиди, — дейди вилоят методика маркази бошлиги Жалолхон Фоғуров. — Улар шўъбаларда ўзлари учун зарур билим ва малакаларга эга бўлди. Жойлардан келган мутахассисларимиз ўз туман ва шаҳарларида анъанавий Август кенгашлари ишини талаб даражасида ташкил этадилар. Август кенгашларининг ялпи ийилишларида асосий эътибор таълим сифатига қаратилди.

Иштирокчилар билан сұхбатда бўлиб, уларнинг семинардан олган олган таассурлари билан қизиқидик:

**Мамасоли Мамадалиев,
Олтиариқ туманидаги
19-мактаб директорининг
ўкув ишлари бўйича ўринбосари:**

— Бу семинардан катта таассурот олдик, ишни қандай ташкил этиш, нималарга эътибор қаратишни ўргандик. Дарсларда компьютер ва электрон дарсларни фойдаланиш таълим сифатини ошириш омилидир. Бунга тренинг машгулотларида яна бир бор амин бўлдик.

— Ҳар йили Август кенгашларини интизорлик билан кутаман, — дейди Марғилон шаҳридаги 1-ИДУМ ўқитувчиси Зайнабхон Умрзоқова. — Босиси, соҳадаги янгиликлардан хабардор бўлиши имкони туғилади. Ўқитувчиларнинг хужкат тўлдиришдан бирмунча бўшагани, баҳолаш тизимидағи ўзгаришлар барчамизни күвонтириди. Аввалиг йилларда биз ўқитувчиларга анча мурракабликлар бор эди. Шуни яхши англадимки, ҳар бир ўқитувчи янги ўкув йилида асосий эътиборни ўкувчининг ДТС талаблари даражасида билим ёзгаришига қаратиши лозим.

**Баҳодиржон ШОКИРОВ,
“Ma'rifat” мухбири**

Фарғона вилояти

МУРАББИЙЛАР МАШВАРАТИ

Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан туманларда мактабгача таълим муассасалари ходимларининг анъанавий Август кенгашлари бу йил «Таълим мазмунини кучайтириш, болаларни мактаб таълимiga тайёрлашни янада ривожлантириш» шиори остида ўтказилмоқда.

Балиқчи туманидаги мактабгача таълим муассасалари ходимлари кенгашда асосий эътиборни ёш авлодни замон талабларига монанд тарбиялашдаги олиб борилаётган ишлар сифатига қаратилди. Ўтган давр ҳисоботи кўздан кечирилганида таъминотчилар ишида оқсоқликлар кўзга ташланди.

Янги ўкув йили режалари белгиланар экан, болаларни кўпроқ тил ўргатишга жалб этиш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, тарбиячилар рейтингини узлуксиз белгилаб бориш, тарбияланувчиларнинг билим даражасини оширишда ота-она, маҳалла ҳам-

корлигини ўйлга қўйиш асосий вазифа сифатида эътиборга олинди. Кенгаш ўтказилган 39-мактабгача таълим муассасаси фаолияти иштирокчиларга намуна сифатида кўрсатилди.

Избоскан туманида ҳам мазкур жараён қизғин давом этмоқда. Туман халқ таълими тасарруфидаги 45та мактабгача таълим муассасасида 3065 нафар бола тарбияланмоқда.

Кенгашда уларга яратилган шарт-шароитлар, «Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч дастури асосида амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил этилиб, камчиликлар кўрсатилди. Мунаввархон Мирзараҳимова, Ҳадичаҳон Мамажонова, Мавлудаҳон Фозиева каби услуги ва тарбиячиларнинг ишлари намуна сифатида келтириб ўтилди. Янги ўкув йилидаги вазифалар белгиланди.

**О.СИДДИҚОВ,
“Ma'rifat” мухбири**

Андижон вилояти

13 НАФАР ЎРНИГА, 150 НАФАР ИШТИРОКЧИ

Гулистон шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида Сирдарё вилоят халқ таълими ходимларининг анъанавий Август кенгашларига тайёргарликни ниҳоясига етказиш ва уни уюшқоқлик билан ўтказилди. Үнда барча туман ва шаҳарлардан ташриф буюрган 150 нафардан ортиқ мутахассис иштирок этди.

Семинар-тренинглар компютер техникалари ёрдамида, индивидуал усул ва замонавий интерфаол методлардан фойдаланиш ўтказилди. Бу йилги семинарнинг энг асосий ютуқларидан бири — тренерларнинг маъруза ва тренинг материалари юз фоиз электрон тақдимот кўринишида тайёрлангани бўлмоқда.

6—7 август кунлари Сирдарё вилоятининг 11та туман ва шаҳар халқ таълими бўлиmlарида туман ва шаҳар ўкув семинарлари ўтказилди.

Бу йилги Август кенгашларida муҳокама қилинадиган масалалар долзарблиги ва таълим муассасаларида фаолият кўрсатётган педагоглар ўртасида қизиқиши юқори эканлигини иштирокчиларнинг ҳар йилги қарагандага кўплиги ва фаоллигидан ҳам билиш мумкин.

Биз халқ таълими ходимларининг анъанавий Август кенгашларига тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги вилоят методика маркази директори К.Хайитбоев билан сұхбатлашдик:

— Бу йилги анъанавий Август кенгашларига тайёргарлик ҳар қачонидан кўра кўтарикингай тайфиятда бошланди. Янги меъёрий хужжатларнинг қабул қилиниши ва ўкув дастурларининг оптималлаштирилганлиги педагоглар қизиқишини ортиримоқда. Республика семинарида иштирок этиб келган 13 нафар тренерни вилоят семинарига таклиф қылган эдик. Туманлардан яна 150 нафардан ортиқ педагог ўз ташабbusлари билан иштирок этди. Бу эса таълимда олиб борилаётган ислохотларга ўқитувчиларимизнинг бефарқ эмаслигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунга келиб вилоятнинг барча туман, шаҳар, халқ таълими бўлиmlарида тренерларни тайёрлаш бўйича ўкув семинарлари ўтказилди. Вилоят бўйича 920 нафар тренер тайёрланди. Август кенгашларининг уюшқоқлик билан ўтказилиши шўъба йигилишларida ушбу тренерлар зиммасига юқатилди. Уларга мавзуулар тақсимлаб берилди. Барча тренерлар электрон тақдимот слайдлари билан таъминланди.

Гулистон шаҳридаги хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернатнинг информатика фани ўқитувчиси А.Райимбеков ўз фикрларини шундай баён этди:

— Бугунги семинарда бир мавзу менда катта қизиқиши ўйғотди. Компютер ўкув хоналаридаги бошқа фанларнинг ўтилишини ташкил қилишнинг янги усуллари ёритиб берилди. Биз мактаб-интернатимизда бу усуудан фойдаланар эдик, аммо айрим фанлар бир-бирига параллел келиб қолиш ҳоллари учар эди. Республика таълим маркази мутахассислари дарс жадвалининг оптимал вариантини таклиф қилишгани айни муддоа бўлди.

**Бойжигит АБДУЛЛАЕВ,
“Ma'rifat” мухбири**

Сирдарё вилояти

ФАХРИЙ МУАЛЛИМЛАР ҲАМ КАТНАШДИ

Сурхондарё вилоятида халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашлари туманларда жадвал асосида уюшқоқлик билан ноанъанавий усууда ўтмоқда. Педагоглар ва раҳбарлар шўъба ва ялпи йигилишларда 2009-2010 ўкув йилига якун ясасиб, янги ўкув йилида амалга оширадиган ишларини режалаштириб олишмоқда.

Кумкўрондаги шундай анжуманда туман ҳокими М. Маматмўминов, Ҳалқ таълими мудири А.Эсонов, ВХТБнинг шу ҳудуддаги назоратчиси Ж.Муродов, Методика кабинети мудири Ш.Йўлдошевларнинг маърузалари тинглангач, музокаралар бўлиб ўтди.

Ялпи йигилишга таклиф этилган фахрий му-

аллимлар, таълим муассасалари раҳбарлари, фаол ўқитувчилар ва тарбиячайларга ҳомийларнинг эсдалик совгалири тарқатилди.

Туман маданият ва спорт бўлими санъаткорларининг ранг-баранг чиқишлари йигилганларга завқ-шавқ бағишлади.

Шунингдек, умумтаълим мактаблари илгор ўқитувчилари, мактабгача тарбия муассасалари тажрибали тарбиячилари томонидан ташкил этилган кўргазма қатнашчилар эътиборига ҳавола этилди.

**Н.ТЎРАЕВ,
“Ma'rifat” мухбири**

Сурхондарё вилояти

ЁШ МУТАХАССИСЛАРГА ЭЪТИБОР

Наманган шаҳридаги 52-умумтаълим мактабида тренер ўқитувчилар иштирокида «Сифатли таълим — баркамол авлод камол топишининг пойдевори» мавзусида вилоят ўкув семинари ўтказилди. Үнда вилоят шаҳар ва туманларидан таклиф этилган 901 нафар тренер-ўқитувчи иштирок этди.

Ўкув семинарида вилоят халқ таълими бошқармаси методика маркази раҳбари Маъмуржон Бобоевнинг «Умумий

ўрта таълим муассасаларида ўқитувчилар иштирокида сифатли таълим — баркамол авлод камол топишининг пойдевори» мавзусида вилоят ўкув семинари ўтказилди. Үнда вилоят шаҳар ва туманларидан ташкил этилган кўргазма қатнашчилар эътиборига ҳавола этилди.

«Халқ таълими тизимида «Устоз-шогирд» мактаби амалиёти самарадорлигини ошириш вазифалари», «Ёш мутахассисларлар билан ишлашда янгича ёндашув» мавзууларидаги маърузалари семинар иштирокчилари томонидан катта қизиқиши билан кутуб олинди.

**Пўлат ҲАМДАМ,
“Ma'rifat” мухбири**

Наманган вилояти



xonasi mudiri X.Hayitov. — O'quv yili davomida faol ishtirok etgan o'qituvchi-pedagoglar rag'batlanirilib, ularning ishlari ommalashtirilishi belgilab olinadi.

B.RIZOQULOV oлган surat.

— Avgust kengashlarini ko'tarinki ruhda o'tkazish, unda ta'lism tizimidagi o'zgarishlar, yangilanishlar, shuningdek, ustoz-shogird maktabi faoliyatiga oid masalalar muhokama etilishi ko'zda tutilmoxda, — deydi metodika

«УНИМЕНДАН ОРТИКРОК СЕВ»

Она шунчалар улугки, унинг таъри-
фини келтириш учун луғатимиздаги
энг гўзал, энг сара сўзлар ҳам жўндеқ
туюлаверади. У бутун умрини ўз фар-
зандига бағишлайдиган ва бунинг эва-
зига ҳеч нима талаб қилмайдиган ин-
сон. Совуқдан танамни ҳеч бир қалин
кийим иситолмаса-да, онам бағрига
бosh қўйсам, қайноқ тафтни ҳис-қила-
ман. Бу тафт — она меҳри.

Она меҳридан яралувчи бир наво борки, уни қалби фарзандига бўлган муҳаббатга тўла оналаргина куйлай олади. Менинг қулоғим остида бир овоз қолиб кетган...

Бир куни онамдан алла айтиб беришларини сүрадим. Аввалига эътибор бермадим, лекин яхшилаб тинглаб кўрсам, бу ўша мен анчадан бери излаётган, қулокларим остида жаранглайдиган овоз экан. Онамдан яна бир марта алла айтиб беришларини сүрадим, кейин ухлаб қолдим. Инсон ҳар доим ҳам бешикда ётган пайтларини эслай олмайди, шунингдек, мен ҳам. Аммо онам менга тунлар бедор айтган алла ҳамон қулоғим остида янграйди. Ҳар кимга ўз онасидан алла эшитиш бахти насиб этсин!

Мен хато қилдим, мени ҳеч ким ке-
чирмади, аммо онам елкасини тутди.
Бу елкага бош қўйиб узоқ йигладим,
ёшимни артгувчи онам бўлди...

Омадим чопди, ютуқларга эришдим.
Юзимдан кулгу аримади, хурсандлигидан күзларига ёш олган онам бўлди...


Мен қийин вазиятга тушиб қолдим.
Нима қилишимни билмай, ҳаммадан
нажот күтганимда, түғри йўл кўрсатгув-
чи онам бўлди...

Касал бўлиб қолдим, кўзимни очолмасдим. Менга шифо сўраб, кечаю кундуз дуо қилган онам бўлди...
Мендан ҳамманинг кўнгли колди,

Мендан әмбенин күнгли қолди, шунда ёнимга келиб, қулоғимга “Мен сени яхши күраман, қизим！”, дея шивирлагувчи онам бўлди.

Лугонам менга бир воқеани сўзлаб

Дуғонам мәнга бир воқеани сузлаб берган эди: «Акам бир куни уйга хафа ҳолда кириб келди ва ойимга “Юринг ойи, чет элга кетамиз. Ўша ерда бутун умр қолайлик”, деди. Онам важоҳат билан акамнинг юзига тарсаки туширди. Ўтириб узоқ йиглади. Сўнг: “Эссиз, сен учун кетган шунча меҳнатим. Ўзга мамлакатнинг шоҳи бўлганимдан ўз юртимнинг гадоси бўлганим афзал. Ўлсам тупроғим шу ерда бўлади,



у чексиз борлик. Унга нисбатан муносабат, мұхабbatдан Ватан түйғуси пайдо бўлади, шаклланади. Мен учун эса Ватан, бу — мен, болаларим, невараларим, чевараларим ва сен яшаётган ўлка, унинг кечаси, бугуни ва эртаси, яъни тарих, бугун ва келажак".

Дарҳақиқат, Ватан на-
фақат туғилған макон, балки оила,
таълим-тарбия берәёттган маскан, яша-
ётган хонадон ҳамдир. Мактабга илк
қадам қўйганимизда, энг аввало, Она-
Ватан дея ёзишни ўрганамиз. Бу
икки улуғ сўз доим ёнма-ён, бири
иккинчисини тўлдириб туради. Ватан
туйғуси Она меҳри-ла дунёга келади.
Фарзандида Ватанга бўлган муҳаббат-
ни Она уйғотади. Ватанини севолма-
ган инсон Онасини ҳам қадрлолмай-
ди. Ватанимни ҳам Онамни эъзозла-
ганимдек қадрлашимни айтганимда,
волидамнинг кўзлари яшнаб кетади
ва қайноқ бағрига олиб, “Уни мендан
ортикрок сев”, лейли.

**Кумушбиби ЭРМАМАТОВА,
2-Тошкент юридик
коллажи йкувчиси**

GEOGRAFIYA DARSIDA YOZUVSHIZ XARITA BILAN ISHLASH

Maktabda tabiiy fanlarni o'qitishning ahamiyati shu bilan o'Ichanadiki, kimyo, biologiya, fizika, geografiya o'quv predmetlarini o'qib-o'rganish jarayonida o'quvchi nazariy bilimlarni egallash bilan bir qatorda ularning hayot bilan bog'liq jihatlaridan ham xabardor bo'ladi. Geografiya ular orasida o'ziga xos o'ringa ega bo'lib, o'quvchi tog'liklar, qir-adirlar, vulqonu botqoqliklar, iqlim o'zgarishlari tufayli tabiatda sodir bo'ladigan hodisalar to'g'risida bilimga ega bo'ladi. Bu borada umumiyl o'rta ta'llim maktablari darsliklarida bir-biridan qiziqarli mavzular berilgan.

«Nimaning nomini aytsang, uni xaritadan ko'rsat, nimani xaritadan ko'rsatsang, uning nomini ayt» degan shiorga amal qilish har bir geografiya darsini jonlantirib yuborishiga ko'p marta guvoh bo'lganman. Dars jarayonida globus va xarita bo'lishi lozim. Bunda yozuvsiz xaritalar bilan ishlashga ham alohida e'tibor berilishi maqsadga muvofiq.

Tan olish lozimki, keyingi paytlarda yozuvlsiz xaritalardan kam foydalaniylmoqda. Vaholanki, geografiya darsini atlas va yozuvlsiz xaritalar bir-biriga uzviy bog'laydi. O'quvchilarga har bir mavzuning qiziqarli va tushunarli bo'llishi o'quv qurollaridan unumli foydalinishga bog'liq. Masalan,

bir shahar yoki obyektning nomini aytib, uning joylashgan o'rnini xaritadan ko'rsatadi. Agarda o'quvchilar shu zahoti uni yozuvsız xaritada belgilay olsalar, foydadan xoli bo'lmaydi. Chunki nazariya va amaliyat bir butunlik kasb etgandagina ta'limda samaradorlik ko'zga tashlanadi.

Yozuvsiz xarita bilan ishlashda o'qituvchi o'quvchilar oldiga eng muhim talablarni qo'ya olishi lozim. Xaritadagi barcha yozuvlar mayda, aniq va chiroyli yozilishi kerak. Daryolar va tog'larning nomlari, ularning yo'nalishi bo'yicha, pasttekisliklarning nomlari esa parallel holida yoziladi. Geografik obyektning nomi xaritaga sig'maydigan bo'lsa, obyekt yoniga raqam qo'yiladi va bu raqam nimani bildirishi xaritaning pastki qismida shartli belgilar uchun ajratilgan joyga yoziladi. Agar topshiriqda xaritani bo'yash lozim bo'lsa, u oldin rangli qalamlar bilan bo'yalib, so'ngra geografik nomlar yozib qo'yiladi. Yer yuzasi reliefi hamda okean va dengiz chuqurliklarini aniqlashda qo'llaniladigan eng muhim ranglarga e'tibor berish zarur.

Biz geografiya atlaslarini kuzatar ekanmiz, unda turli churliklardagi suv havzalari, daryolar, dengizlar, okeani larning turli ranglar bilan bo'yalganligini ko'ramiz. Bu nimani bildiradi? Suv havzalarining eng chuqur va

eng sayoz joylari ana shu ranglarga qarab farqlanadi. Hamkasblarimizga bu yanada tushunarliroq bo'lishi uchun ana shu jihatlarni ko'rsatib o'tishni lozim tondik:

Ushbu ranglar va ularning xilma-xil tuslari o'z joyida to'g'ri ishlatsa, maqsadga muvofiq bo'ladi. Yozuvsız xaritalar bilan amalga oshiriladigan birinchi ishni o'quvchilar o'qituvchi rahbarligida sinfda bajarganlari ma'qul. Quyi sinf o'quvchilarining juda besabr bo'lishlarini esdan chiqarmaslik kerak. Ular ishning sifati haqida o'ylamay, hamma narsani juda tez bajarishni xohlaydilar. Sinfda xarita bilan ishlash 10—15 daqiqadan oshmagani ma'qul. Dars jarayonida mayin musiqa qo'yiladi. Aks holda o'quvchilar zerikib, yozuvsız xaritani palapartish to'ldira boshlashi mumkin. Yozuvsız xarita rangli qalamda bo'yaladi. Bunda o'quvchilar obyektlarning chegara chiziqlariga rioya qilgan holda och va to'q tusdag'i rangli qalamlardan foydalananadi. Shuningdek, geografik obyektlar nomini uchlig tarashlangan oddiy qalam bilan yozish tavsiya etiladi. Agar geografik nomlar siyoh bilan noto'g'ri yozib qo'yilsa, xatoni tuzatish qiyin. O'quvchilar qalamda yozgan geografik nomlarning to'g'rilligini o'qituvchi tekshirib chigqanidan kevingina ustidan

siyoh bilan yozib chiqishlari mumkin. Shuni unutmastlik lozimki, yozuvsız xaritalarning qog'ozı yupqaroq bo'lganligi sababli, ularni bo'yoq qalamda bo'yash jarayonida ostiga yuzasi silliq bo'lgan qalin qog'oz qo'yish kerak bo'ladi. Rangli qalamning uchi silliq bo'llishi tasvirlarning bir tekis chiqishini ta'minlaydi. Qalam uchini bo'yayotgan yuzaga bir tekis ishqalash kerak. Aks holda, yuza go'yo bir joyi och, bir joyi to'q bo'yagan suratga o'xshab qoladi. Bunday kamchiliktlarning oldini olish uchun o'qituvchi o'zi oldindan tayyorlab qo'ygan namunalarni ko'rsatishi maqsadga muvofiqdir.

Ayni vaqtda yozuvsiz xaritalarni tez va soz bo'yash yo'ilalarini tushuntirishda kompyuter imkoniyatlaridan ham foydalanish mumkin. Kompyuterda O'zbekiston Respublikasi xaritasining rangsiz variantidan yozuvsiz xarita sifatida foydalaniлади. Har bir viloyatning tog' va qir-adir, daryo hamda suv omborlari mavjud joylarni bo'yashda WINDOWS operatsion tizimi tarkibidagi PowerPoint hamda Paint dasturlari qo'l keladi. Bunday ko'rgazmali

qurollarni tayyorlashda informatika fani o'qituvchisidan yordam so'rash maqsadga muvofiq. Dars jarayonida o'tkazilgan taqdimotni o'quvchilar ajoyib yangilik sifatida qabul qiladilar.

O'quvchilar tomonidan bo'yalgan har bir yozuvlsiz xaritadagi yutuq va kamchiliklar o'qituvchi tomonidan tekshiriladi va bahananib boriladi. Bunda o'quvchilarni turli usullar bilan rag'batlantirib borish, guruhlar va sinflar o'rtasida har xil mavzularga bag'ishlangan musobaqalar, tadbirlar tashkil etish, geografiyaga oid qo'shimcha manbalarni o'quvchilar hukmiga havola etish lozim. Aynan yozuvlsiz xaritalar bilan bog'liq bo'lgan barcha o'quv topshiriqlari o'quvchilarni befarq qoldirmaydi. Bu ularning geografik bilimlarini kengaytirishga, rang-tuslarni farqlashiga, ayni paytda estetik olamini

**Furqat EGAMOV,
Shahrisabz tumanidagi
1-davlat ixtisoslashgan
maktab-
internatining geografiya fani
o'qituvchisi**

Okeaniarni belgilashga xos bo'igan ranglar		O'rmon va quruqliliklarga xos bo'igan ranglar	
0-200 metr	Och havo rang	0-100 metr	Yashil
200-1000 metr	Havo rang	100-200 metr	Och yashil
1000-2000 metr	To'q havo rang	200-500 metr	Och sariq
2000-4000 metr	Och ko'k rang	500-1000 metr	To'q sariq
4000-6000 metr	Ko'k	1000-2000 metr	Ochjigarrang
6000 metrdan chuqur	To'q ko'k	2000-3000 metr	Jigarrang
0 metrdan past	To'q yashil	3000-5000 metr	To'q Jigarrang
		5000 metr	Juda to'q Jigarrang

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

Спинтроника асбобарида гигант магнит қаршилик эффектига асосланган асбоблар кенг ишлатилмоқда. Бу эффектинг моҳияти шундаки, магнит тасмалар(плёнка)нинг қаршилиги номагнит қатлам билан ажратилган кўнши ферромагнит моддалардаги спин магнит моментларининг нисбий йўналишига боғлиқ бўлади. Якинда кашф этилган гигант магнит қаршилик эффекти (ГМК) $\frac{(R_{max} - R_{min})}{R_{min}}$ (бу ерда R_{max} - R_{min} магнит плёнка) каси қатламларида магнит моментларининг параллел ва антипараллел йўналишига боғлиқ бўлган қаршиликларнинг қўймати) уй температурасида бир неча 100 фойзни ташкил этади.

Материаллар гигант магнит қаршилик эффектидан ташкири яна амалий мақсад-

Спин транзистор. Спинтроника ҳақида барча маколалалар келажак спинтроника асбоби сифатида Датта-Даста-Балистик транзистор эслатилиб ўтилади (5, 6-расм). Куйда шу транзистор ҳақида сўз юритамиз.

Одатдаги транзисторлардан фаркли эмиттер ўрнига, бу ерда спин-кутбланган электронлар манбаи, коллектор ўрнига спин фильтр, базадаги кулланишнинг қўйматига қараб ток уланиши ёки узилиши мумкин. Кулланиш таъсирида эммитер фиксиранган (йўналиши) электронларни коллекторга инжекция қиласди.

Магнит совуткичлар. Хозирги кунда экологик хавфсиз, компакт (текжами) энергетик жиҳатдан эффектив ва ўта чидамли бўлган уй температураси соҳасида ишловчи совуткичлар ясаш ниҳоят зарур. Бу эса ҳозирги вақтда ишлаб турган совуткичлар-

батан 7 марта катта. Бу эса ишчи модда сифатида магнит компакт совуткичлар ишлаб чиқариш имконини беради.

МКЭ 1881 йили Е. Варбург деган олим томонидан кашф қилинган эди. У магнит майдон таъсирида темир қандай қилиб со-вуганингини ёки исиганнингини кузатди. Намуна температурасининг ўзгаришини модда ички энергиясининг ташки майдон туфайли ўзгариши билан боғлиқ, деб тушунтириди. Ланжевен 1905 йили биринчи бўлиб парамагнетик магнитланишнинг ўзгариши намуна температурасининг қайтувчан ўзгаришига олиб келишини тушунтириди.

Магнит совутиш МКЭ кашф этилгандан 50 йил ўтгандан сўнг американ олимлар Петер Дебай ва У. Жиок томонидан кашф қилинди.

Хозирги вақтда адиабатик магнитизлантириш принципида ишлайдиган кичик совуткичларни ишлаб чиқиши НАСАнинг бир неча тадқиқот марказлари эътиборида туриди. Магнит совуткичларнинг тижорати билан Astronatics Corporation of America (АКШ, Висконсин) ва Витория (Канада) университети, магнит совуткичларнинг ишчи моддасини ўрганиш билан эса Эймс лабораторияси (АКШ, Айова штати), Канададаги Илгор магнит технологиялар ва консультация маркази (AMTGC) шуғулланмоқда.

1997 йили Astronatics Corporation of America 600 ваттли уй температурасида ишлайдиган совуткич ишлаб чиқди. Унинг самараордлиги одатдаги фреонли совут-

хозирги вақтда мамлакатимизда магнит совутиш муаммоси лаборатория даражасида ҳам ўрганилмагти. Ваҳоланки, катта илмий потенциалга эга бўлган Самарқанд давлат университети ва Ўзбекистон Миллий университетида бу соҳа бўйича юкори малакали мутахассислар мавжуд. Молиялашибириш бўлмагани учун бу тадқиқот билан ҳеч ким шуғулланмаётир. Бундай ҳолатлар магнит ҳодисалари физикаси бўйича юкори малакали мутахассислар (магистр, аспирант ва докторант)лар тайёрлаш муваммосини ҳам келтириб чиқармоқда.

Энг кейинги илмий тадқиқотлардан яна бири RM₃(BO₃)₄ умумий формуласи (бунда R – лантаноид металларидан бири; M – алюминий, скандий, темир, гадолиний, хром) боратларининг физик хоссаларини ўрганиш жараёнидир. Улар янги магнит материаллари – мультиферроиклар ҳам деб аталиб, уларда янги турдаги магнитоэлектрик ўзаро таъсири туфайли бир вақтда юз берадиган ва катта амалий аҳамиятта эга бўлган, магнитоэлектрик эффектлар – ферромагнит ва ферроэлектрик тартибланиш ҳодисалари кузатилган. Бугунги кунда d – ва f – катионларга эга бўлган бу лантаноиди ферроборатларнинг магнит хоссалари ва электрон тузилиши жуда кам ўрганилган. Бундай материалыларнинг магнит хоссаларини юкори температураларда ўрганиш магнит ҳодисалари физикаси учун ҳам, улардан амалда

Куйидаги жадвалда ГМК материаллар асосий параметрларининг қўйматлари келтирилган

Магнит мухит ва структура	Магнит қаршилик фоиз	Тўйиниш майдон, Э	Сезгилик, фоиз
Ализотрол гигант магнит қаршилика эга бўлган материаллар	2	5-20	0,4
Кўп қатламли структуралар	10-80	100-2000	0,1
Гранурирланган структура	8-40	800-8000	0,01
Спин-вентил структуралар	5-10	5-50	1,0
Спин-туннел структуралар	10-25	5-25	2,0
Манганиллар	100		
Висмутнинг монокристаллари қалинлиги 20 мкм	T « 300 K	1000	0,1
	250 (300K)		0,2
	380000 (5K)		(300K)


ЗАМОНАВИЙ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯ РИВОЖИДА МАГНЕТИЗМНИНГ ЎРНИ

да ишлатиладиган иккита параметр билан: тўйиниш магнитланиш (магнит қаршилик энг катта қўйматга эга бўлган магнит майдон таъсири) ва сеизирлик билан аниқланади.

Спинтруника асбоблари. Спинга боғлиқ бўлган материалларнинг ўзига хос сусисияти шундаки, улар микроэлектроникада ишлатилиб келинаётган классик вентиллар, диодлар, транзисторларга ўхшашдир. Бу янги асбобларнинг ишлаш принципини яхши тушуниш учун "спин юкори-спин паст" ўтиши (турли хил кутбланган электрон спинлар) одатдаги p – ва n – типидаги ярим ўтказгичларда (p – n ўтиш) тақдослаш керак.


1. Спин диоди. Гигант магнит қаршилик эффектини ўйлайдиган курилмаларнинг асосида спин клапан (Spin Valve) ётади (3-расм).

У иккита ферромагнит қатлам (никель, кобальт ва темир қатламлари), юпқа магнит бўлумаган қатлам (одатда у мис)дан иборат. Ферромагнетик қатламлардан бирда магнит майдони "маҳкамланган", бошқача айтганди, бу қатламнинг магнитланиши ташки магнит майдонининг ўзгаришига сеизир эмас. Бундай ҳол қатламга антиферромагнитни зич киритиш орқали бажарилади. Бу иккита чегара ўтасида ёрсил бўлган қатлам ферромагнит магнитланишнинг ўзгаришига ҳалақит беради. Ферромагнитнинг иккичи қатлами "эркин" хисобланади, унинг магнитланиши жуда кичик майдон кучланганида ҳам ўзгариши мумкин. Спин клапаннинг қаршилиги параллел ҳолга нисбатан, антипараллел магнит майдонларда (ферромагнитларда) 5–10 фоиз юкори бўлади.



га нисбатан ўйилган қатор талаблар туфайли пайдо бўлди. Маълумки, ҳозирги вақтда совуткичларда ишлатиладиган ишчи газ (хладагентлар) кўплаб экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда: озон қатламининг ёмирилиши, глобал исиси ва х.к. Шу боис магнит совутиш технологияси бутун жаҳонда тадқиқотларнинг эътиборини тортаёт. Магнит совутиш бўйича тадқиқотлар дунёнинг жуда кўп, жумладан, Европа, АКШ, Канада, Хитой ва Россия университетларининг лабораторияларида олиб борилмоқда. Сабаби магнит совуткичлар экологик жиҳатдан тоза бўлиши билан бирга, уларга электр энергияси жуда кам сарфланади.

Магнит совутиш технологияси ҳар қандай магнит материал температураси ва энтропияси ташки магнит майдон таъсирида ўзгаришига асосланади. Магнит материал температураси ва энтропияси ташки магнит майдони таъсирида ўзгаришига магнитокалорик эффект (МКЭ) дейилади.



Магнит клапаннинг яна бир тури магнит туннел ўтиш (Magnetic Tunnel Junction – MTJ) ҳодисасига асосланган (4-расм). Бундай клапанлар маҳкамланган ва эркин магнит қатламлардан иборат бўлиб, уларнинг орорали юпқа изоляти билан ажратилган бўлади. Бу ерда қаршилик худди ўтган ҳолдаги сингари ўзгартирилади. Антипараллел йўналишларда унинг қаршилиги параллел йўналишга нисбатан 20–40 фоизга ошиди.

Магнит клапаннинг яна бир тури магнит туннел ўтиш (Magnetic Tunnel Junction – MTJ) ҳодисасига асосланган (4-расм). Бундай клапанлар маҳкамланган ва эркин магнит қатламлардан иборат бўлиб, уларнинг орорали юпқа изоляти билан ажратилган бўлади. Бу ерда қаршилик худди ўтган ҳолдаги сингари ўзгартирилади. Антипараллел йўналишларда унинг қаршилиги параллел йўналишга нисбатан 20–40 фоизга ошиди.

кичларнинг самараордлигига якін ишлаётган актив магнит ре-генератор 1500 соат давомида уй температурасида ишлатилди.

МКЭнинг катталиги, демак, магнит майдонида совутиш эфективлиги магнит ишчи модданинг хоссаси билан аниқланади. Эймс лабораторияси G₅(Si,Ge)₄ биримасида гигант магнит калорик эффект очилганларни хабар қўлди. Ҳозирги вақтда ишчи модда сифатида гадолиний, сийрак Ер элементларининг катор биримасида ва ҳ.к. ишлатилмоқда.

2009 йил январь ойида "Science News" (v.161, n. 1, 2009) журнали АКШда биринчи марта магнит совуткичли ўй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқарилганларни хабар берди. Бу совуткичнинг ишчи прототипи ўй температураси шароитида ишлайди ва манба сифатида доимий магнит ишлатилган. Бу революцион мұваффақият ҳақида профессор Кари Шнайгер шундай деди: "Биз техникини ривожлантиришда тарихий қадам кўйдик. Аввалин магнит совуткичларда катта ўтаётказгич магнитлар кўлланилган бўлса, бу янги совуткичда биринчи марта доимий магнит ишлатилган".

Мазкур курилмалар эксперталар ва АКШ энергетика вазирилиги томонидан юкори баҳоланди, чунки магнит совуткичлар бутун АКШ бўйича электр энергияси сарфи 5 фоизга камайтиради.

Магнит совутишининг инсоният физикиянига ташки магнит майдони таъсирида ўзгаришига асосланади. Магнит материали температурасининг ўзгариши магнит майдони таъсирида ўзгаришига ишчи температурасида ишлайдиган катта тезликли компютерда, ўй ва ишлаб чиқариш бинолари конденсионерларида, транспорт воситалари совутиш системаларида, биринчи навбатда майший ва саноат совуткичларда ишлатилиши мўлжалланмоқда.

Шуну айтиш керакки, магнит совуткичлар бўйича ишлар АКШ энергетика вазирилиги томонидан 20 йилдан бери молиялашибириш бўлса, бу янги совуткичда биринчи марта доимий магнит ишлатилган.

Барча магнит совуткичларни уларда ишлатиладиган магнит тигига қараб иккита синфга бўлиш мумкин: ўта ўтказувчи магнитлар ва доимий магнитга асосланган системалар. Биринчи кенг ораликда ишчи температурага ва нисбатан юкори чиқиши кувватига эга. Улар катта биноларни кондициялашда ва озиқ-овқатни сақлайдиган биноларда ишлатилади. Доимий магнитга асосланган совутиш системалари нисбатан чегараланган ишчи температура оралигига эга бўлиб, бу совуткичлар аввалин совуткичларга нисбатан кўп кулийликларга эга: кичик, экологик хавфсиз, юкори самарали, ихчам, узоқ вақт ишлатилади.

фойдаланиш имкониятларини ўрганиш нуқтаси назаридан ҳам мухим аҳамиятта эгадир. Зоро, магнит ҳодисалари физикасининг вазифаларидан бири инсоният ва техника таракиёти учун керак бўлган янги магнит материалыни ахтариш ва ўрганишдан ибрат.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида магнит ҳодисалари физикаси бўйича мутахассислар тайёрлаш 1980 йилдан бошланган эди. Магнетизм бўйича Марказий Осиёда ягона, ҳамдустлик мамлакатларида олтинчи (Москва, Урал, Красноярский, Тверь ва Харьков давлат университетлари) кафедра ташкил қилинганда. Кафедра давлатимиз учун юзлаб мутахассис тайёрлаб берди. Улар ичида 2 нафар фан доктори, 15 га яқин фан номзодлари бор. Ўзбекистонда, ҳатто, Марказий Осиёда ягона илмий ва ўқув лаборатория мавжуд. Бу соҳадаги илмий ютуқларни хисобга олиб, Республика Олий атtestация комиссияси Самарқанд давлат университетида номзодлик диссертасиини химоя қилалини илмий кенгаш ташкил қилиди. Кафедра базасида магистратура ташкил этилди. 100 дан ортиқ бакалаврлар магистратура таълим олдилар. Ушбу кафедра магнит ҳодисалар физикаси бўйича баз

Инсоннинг интеллектуал салоҳияти маълум маънода унинг яшаш тарзини белгилаб беради, десак муболага бўлмас. Киши умр йўлларида дуч келиши мумкин бўлган жуда кўп муаммоларни ана шу фазилатидаги тўқислик билан енгиг ўтишга кодирлик топади ўзида. Рўзгорнинг бутлиги, дастурхонга ҳалол лукма торта билмок баҳти, оила тебратишдаги мушкулотлар ечими биз юқорида тилга олганимиз — одамзоднинг зуккологи, қарашларининг теранлиги, ақлий камолотига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Интеллектуал салоҳият тарбияси шунчаки баландпарвозди ибора, забт этиб бўлмас машакқатли довон эмас. Интеллектуал салоҳият узлуксиз ва узвий парвариш талаб этади. Бугун ана шу тарбиянинг айрим оддий ва нозик жиҳатлари хусусида баҳс юритмоқчимиз. Мавзуумизга ойдинлик киритишда психолог Дилором Махмудова ва болалар шифокори Барно Тўлаганованинг фикрларига таяндик.

Кўпгина ота-оналарга «Фарзандингизни нега боғчага бердингиз?» мазмунида савол берсангиз, «Ишга чиқишим керак эди. Вақтида ухлаб вақтида турди. Корни тўқ, кўнгил хотиржам...» Хуллас, «Болага қарашади» маъносидаги жавобларни оласиз.

Мазкур масканларнинг номланишига бир эътибор қаратайли-ка: «Мактабгача таълим муассасаси». Демак, боғча болага тарбия бериш билан бирга, уни билим олишдек катта меҳнатларга тайёрлашга кўмаклашувчи даргоҳ. Шу нуқтаи назардан, боғча даври ота-она ва тарбиячининг боланинг келажаги йўлида қайғуриб, ҳамкору ҳаммаслакликда иш олиб боришини талаб этувчи муддат ҳамдир. Фарзандни севиш, унга меҳрмуҳаббат кўрсатиш табиий равишида ота-оналарга хос туғуғу. Лекин дилбандларнинг ёшига қараб улар билан ақл-фаросат, атроф-муҳитта муносабат, зеҳн ва хотира тарбияларини олиб бормоқдек масъуллик ҳам борки, бу амаллар лоқайдик билан четга сурилганда ортидан азиятлар бўй кўрсатмоғи мумкин.

Психолог: — Богча ёшидаги болада сиз юқорида тилга олган хислатлар нафақат шаклланади, балки намоён бўла бошлади. У энди борлиқдаги ўзгаришлар, янгиланишлар, атрофидаги муносабатларни таҳлил эта боради. Аввало, боланинг боғчага кўниши масаласини олайлик. Табиийки, табиатан таъсирчан болаларнинг янгича мухитга ўрганиши анча қийин кечади. Шундай экан, ана шу «ўрганиш» муддатига ота-она алоҳида эътибор қаратиши керак. Уни боғчада қолдиришни бир, ҳатто фарзанднинг саломатлиги, табиатига қараб ярим соатдан бошлаш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда катталарнинг боғча ва тарбиячиларни чиройли сўзлар билан таърифлашлари, боланинг меҳрини уйғотишга ҳаракат килишлари ҳам мухим ўрин тутади.

Баъзи ота-оналар боғчадан келган фарзандига биринчи мурожаати «Нима единг?», «Сени ҳеч ким хафа кильмадими?» қабилидаги

кўрсатмаяптими? Сўргичга «мехр кўйиш»нинг саломатликка салбий таъсири йўқмикан?

Психолог: — Кузатган бўлсангиз, ҳеч бир чақалоқнинг сўргични сўришга бошида истаги бўлмайди. Катталар сўргични турли шириникларга ботириб, унинг оғзига мажбурий тикишади. Ҳатто оғзида ушлаб туриб, туририб ташлашига имкон бермай, сўргичга кўнитирсанларига ҳам гувоҳ бўлганман. Тўғри, гўдакни овутиш, чалғитиш мақсадида 5-10 дақиқа сўргич бериш мумкин. Лекин бора-бора боланинг муттасил сўргичга «боғланиб» қолиши, унинг психологик ривожланишига

Нега япроғи яшил? Нега та-насида тиконлари бор?.. Нега баҳорда ёмғир ёғади? Нега мевалар ёзда пишиди?.. Бу каби саволларнинг чеку чегараси йўқ. Фарзанди ақли, зукко бўлишини истаган ота-она ҳудди ана шу нуқтада унга ёрдам бермоғи, саволларига ҳижжалаб бола тилида ва унинг англаб олишига осон тарзда жавоб беришга вақт, хоҳиш, сабр-тоқат топа билмоғи шарт.

Агар бола сизга бугун ўнта савол берди, дейлик. Уни жеркиб «Уф», «Тинч кўй, чарчаганман...» каби тан-

Ruhiyat manzaralari



гизиш кўнилмаларини ҳосил этишга кўмаклашиш мақсадга мувофиқдир.

Баҳор. Богчадаги майдонча атрофи яшилликка ўранган. Мевали дараҳтлар оппоқ, пушти гулларга бурканган. Ўриндиқка чўккан боғча оса болаларнинг бир-бири билан тортишмай, тинчнига ўйнашлари, уларнинг ҳаракатларини кузатиш билан овора. Ёки ташқарида оппоқ қор ёғаяпти. Она ўз юмушлари билан банд. Бола дераза ортидаги мўъжизани ҳиссизигина кузатиб ўтирибди. Хўш у қаҷон ва қай тариқа табиат билан ошно тутинади? Бу ошнолик унга нима беради, аслида?

Психолог: — Богча майдончаси шунчаки болаларни овутиб қўювчи «қўча» эмас, машгулотлар ўтвучи сабоқхона бўлмоғи керак. Тарбиячи борлиқдаги яшириш ва янгиланишлар хусусида сўзлар экан, боладаги ҳис этиш, таъсирланиш, ҳайратланиш каби туйгуларни тарбиялайди. Олам гўзаллиги ҳақида гапириб Ватанга, табиатга меҳр-муҳаббат, хурмат уйғотади, улғайтиради. Бола ушлаб кўрмагунча нарса ва ҳодисалар хусусида тушунчага эга бўлиши қийин. Шундай экан, табиат ҳодисаларини ойна ортидан эмас, бевосита кўз ўнгидаги содир бўлишини кузатишиларига имкон бермоқ керак. Бу бир жиҳатдан болани ҳаётӣ тасодиф ва синовларга тайёрлаб бориш ҳам демақдир.

Шифокор: — Баъзи болалар жуда тез-тез шамоллашади. Негалигини биласизми? Улар ана шу сиз тилга олган табиат билан «коришиб» суюги қотмаган, чиникиб тобланмаган. Инсон тоза ҳаводан ҳеч қаҷон касал бўлмайди. Биз янги дунёга келган чақалоқларни ҳам сайдра олиб чиқишини тавсия этамиз. Болаларимизни кичиклигиданоқ бир совуқ, бир иссиқ сув солинган идишларга оёғини навбатига солиб чиниқтириб бориш ниҳоятда фойдалари. Айримлар болани кўчандан қиқандади жуда қалин кийинтиришади, натижада у терлаб совуши туфайли ҳасталанади-ю, совуқ баҳона бўлади.

Одамзод табиатнинг бир бўлагидир. Демак, имкон қадар унинг табиатнинг ҳар бир ҳолати, ҳаракатлари билан ошно бўлиб улғайишига имкон бермоқ зарурдек. Бу зарурат табиатни дераза ортидан эмас, бағрида туриб кузатиш, ошно бўлиш ҳудди ҳаётнинг иссиғу совуғи, кору аёзлари табиий эканлиги, инсон бу ташвиш ва муаммоларни ҳеч қаҷон айланаб ўта олмаслиги ва уни ёнгишга ҳозир туриши шартлигини далиллаётганга ўхшайди.

Ойбуви ОЧИЛОВА

ДЕРАЗА ОРДИФАГИ ФУНД

саволлардан иборат бўлади. Бу боланинг феълига худбинлик уругини сепувчи омилга айланиши мумкин. Аксинча, болага «Бугун ўртоқларинг билан қандай ўйинлар ўйнадинг?», «Нималарни ўргандинг?» дея унинг оғзаки нутқи, фикрлаш қобилиятини ўстирувчи саволлар бериш, у билан 15-20 дақиқа ўйнаш, боғчада олиб борилган машгулотларни тақрорлашнинг самараси бениҳоядир. Мактабгача таълим муасасаси боланинг муттасил сизни «безовта қилмай» кўяди.

Шифокор: Турли оғиз бўшлиги билан боғлиқ қасалликларнинг юзага келиши, тишларнинг нотўғри жойлашуви ва ривожланиши айнан боланинг сўргич асоратлари. Шунингдек, сўргич орқали турли юқумли қасалликларнинг юқиши каби ҳолатлар ҳам кўп кузатилган. Сўзлаганда дудукланиш, баъзи сўз ва ҳарфларнинг нотўғри талафуз қилиниши, ҳатто юз, лаб қисмларидағи норасоликлар, ҳид, таъм сезишдаги сусткашликлар ҳам бевосита сўргич ортидаги хавфлардир.

Сўргич таъсирида сўлак безлари фаолияти тезлашади ва мөъеридан ортиқ суюқлик ажратиб чиқаради. Демак, бу ички аъзолар сиҳатига ҳам даҳл қилмай қолмайди.

Баъзида болаларимизнинг ақлий ялқовлигидан, эринчоқлигидан нолиймиз. Дарсларини юзаки бажариши, мақсадларига тез ва осон етишишга интилишларидан ташвишланамиз. Ҳатто касб танлаш бобида ҳам иккиласи. Ҳўш, бу иллатларнинг илдизи қаерда-ю, давоси нимада?

Психолог: — Эндиғина эсини таний бошлаган фарзандингиз сизни саволларга кўмид ташлайди. Дейлик:

— Бу нима?
— Атиргул.
— Нега қизил? Ёки оқ?

Хўшига мос ўйинчоқлар билан ўйнаш ҳам бу ўринда мухим аҳамият касб этади. Масалан, 2-3 яшар болага ҳаракатни талаб этувчи, 3 ёшлиларига бармоқлар билан ишлашга ундовчи, тўрт-бешга киргандарига ақлан фикр юритишга мўлжалланган ўйинчоқлар ҳади этиш, олтига тўлганларига эса 15-20 дақиқа эртак ўқиб бериш, предметларни қирқиш, қаламни юр-

Спорт жисмоний баркамоллигимизни таъминловчи восита бўлгани сабабли қадимдан ёшларда полвонлик, мерганлик, эпчиллик каби хусусиятларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Тўйларда кўлкари, кураш мусобақалари ташкил этилган. Бугунги ёшлар орасида ҳам спорт билан мунтазам шугулланувчилари бисёр. Аммо сўнгги пайтлар бир оқим вужудга келдик, у спортнинг ҳеч қайси хусусиятини ўзида мужассалаштирмасада, мазкур атама билан биргаликда кўлланилади. Бу — киберспорт тушунчasi бўлиб, унинг баъзида ёш авлод вакиллари салбий таъсир кўрсатаётганини инкор этиб бўлмайди.

ТАРМОКДАГИ «ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ»

Замонавий тараққиёт натижасида жамиятнинг деярли барча соҳалари фаолияти компьютер ва интернетда ишлашга мослаштирилди. Аммо бу ривожланиши таъсириниң спортга ҳам ўтиши ҳақида эшитсангиз, хаёлингизга дарҳол бу бироз файритабии ҳолат, деган фикр келиши, табиий. Шу ўринда савол туғилди: киберспорт аслида нима ва унинг яралishi тарихи қандай?

«Википедиа» манбаси маълумотларига қараганда, киберспорт интернет тармоғи орқали ташкил қилинадиган компьютер ёки видео спорт ўйинларининг бъзи бир турларини ўз ичига қамраб олиши натижасида пайдо бўлди. Киберспорт ўйинларининг бошқаларидан фарқи шундаки, у худди реал вақт ва вазиятда кечеётгандай таассурот қолдиради кишида. Шакл ва тузилиш жиҳатидан анъанавийларига жуда ўхшашлиги боисми, ҳозирда киберспорт мусобақаларини ҳам ўтказиш йўлга кўйилган. Бундай беллашувларнинг вужудга келишига аввалига АҚШда маҳаллӣ тармок орқали гурух бўлиб ўйналган «Doom» («Дум») номли ўйинда куч синашиш туртки бўлган. Мазкур ҳаракатлар ёшлар ўтасида кенг тарқалгач эса, бу каби баҳсларни ўтказиш жуда тез суръатлар билан ривожланганини кузатиш мумкин. Кейинги даврларда «Quake» («Куйек» — зарба, силкиниш) номини олган ўйин оммалашши туфайли, 1997 йилга келиб АҚШда киберспортчиларнинг биринчи лигаси ташкил этилди. Шундан бошлаб, «Cyberathlete Professional League», яъни Киберспортчиларнинг профессионал лигаси мусобақалари мунтазам ўтказиб келинади.

Бу борада йирик турнирлардан бири хисобланган «World Cyber Games» (Жаҳон кибер ўйинлари)нинг Олимпиya ўйинларига хос равишда ташкиллаштирилгани айниқса ҳайратланарлидир. Маълумот ўрнида айтиш зарурки, дастлабки Жаҳон кибер ўйинлари Жанубий Кореяда ташкил этилган бўлиб, шундан бери мусобақалар ҳар йили турли давлатларда ўтказилади. Бундан ташқари, бир неча совринли фонdlар ҳам бор. Уларга ярим профессионаллар лигаси, онлайн кубоги учун ўтказиладиган беллашувларни киритиш мумкин,

энг машҳурлари эса «ClanBase», «ESL»лардир. Бугунги кунда компьютер фанатлари ёки гэймер(инглизча «gamer» — «ўйинчи» сўзидан олинганд)лар исталган мамлакатда бор. Сабаби, ташкиллаштирилаётган мусобақалардан ташқари,

пиг бўлмасди. Бошқа бирорта ўйин ўйнаса бўлмайдими, деб ҳайрон қоламан. Кўча чангтиб, копток тепсаям майлийди. Бу матоҳ унга ёмон таъсир қиляптими, деб кўрқаман-да». Онанинг ўз фарзандидан ташвиши ўринли, чунки компьютер ўйинлари ёшларнинг руҳиятига салбий таъсир килиши аллақачон амалда исботланган. Ўсмирлар компьютер ўйинларига қанчалик кўп берилиб кетса, улар ота-онаси ва дўстларига, ўртадаги муносабатларига шунча кам эътибор беради.

Бригем Янг университети олимлари ўтказган тадқиқот натижасида оммавий виртуал кўнгилхушликлар сабабли болаларда ўз тенгдошлари ва ота-оналари


КИБЕРСПОРТ СПОРТГА ҚАРШИ

ихтиёрий равишда кўнгиллилар онлайн ва оффлайн шаклда ҳам кўплаб турнирлар ўтказётгани бу турдаги баҳсларга қизикувчиларнинг сони янада ўсишига туртки бўлаяпти. Интернетдаги спорт ўйинларига ортиқча ружу кўйиш, табиийки, салбий ҳолат, чунки улар нуқсон ва камчиликлардан холи эмас. Демакки, киберспорт ихлосмандларининг кўпайиб кетаётгани ташвиши ҳол ҳамдир. Умуман, компьютер ўйинларининг ҳаддан ортиқ вақт давомида ва ёшлидан ўйналишининг салбий таъсiri тўғрисида жуда кўп маълумотлар берилмоқда. Айниқса, болаларнинг ушбу машгулотларга ружу кўйиши оқибатида бош оғриғи, ҳар хил руҳий чарчашлар, шунингдек, ақлий ривожланишда орқада қолиши кузатилмоқда. Лекин анъанавий спортнинг вазифаси умуман бошқачаку! Ахир, жисмоний машгулотлар билан шугулланиш орқали одам ҳар томонлама соғлом, етук бўлишга интилади. Бошқача айтганда, спорт бу — соғлом турмуш тарзини яратиш мақсадида амалга ошириладиган тинимсиз ҳаракат, ўз устида ишлаш дегани эмасми?!.

Лекин киберспорт спортнинг бу каби хусусиятларидан ҳеч бирини ўзида акс этирмаган. Келинг, яхшиси буни исботлаш учун мутахассислар қарашлари ва бу борада ўтказилган тадқиқотлар натижаларига асосланниб фикр юритамиз.

«КОПТОКНИ КОМПЬЮТЕРДА ЭМАС, КЎЧАДА ТЕПСИН...»

Боласи компьютер ўйинларини яхши кўрувчи қўшним шикоят қилиб қолди: «Компьютер олдидан жилмайди. Олдинлари бу тенги болаларни ўйдан то-



билан мулоқот вақтлари кескин камайиб кетиши аниқланди. Болалар компьютердан фойдаланганида бўш вақтини ижтимоий муҳим машгулотларга эмас, кўпроқ хоббиси учун сарфлайди. Оқибатда, оиласи ва дўстларига кам эътибор бериши, ишончи нисбатан пайшиши кузатилган.

Болалар шифокорлари компьютер олдидা узоқ ўтириш кўриш қобилиятини ёмонлаштириб, гавдани тўғри тутиб юришга ҳам салбий таъсир кўрсатишини тақорлашдан чарчашмайпти. Бундай таъсир ҳали тўлиқ шаклланмаган болалар организмига компьютер нури, шунингдек, бир ҳолатда кўп вақт ўтириш оқибатида кузатилади.

Дефектолог-педагогларнинг айтишича, болаларнинг экран олдидага жуда кўп вақт ўтириши уларнинг ҳаддан ташқари таъсирчан бўлиб қолишига олиб келади. Тажовузкорлик руҳиятини кучайтиради, реал ҳаётга мослашишида қийинчиликларни юзага келтиради. Киберспортнинг бу каби зарарлари ҳақида гапирганди, спорт бу — компьютер олдидага ўтириб шугулланаётган машгулот эмаслиги


ни алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки спорт касалликларни келтириб чиқаришга қаратилган эмас, аксинча соғлиқни мустаҳкамловчи фаолиятдир. Шунинг учун ота-оналар ва ўқитувчи-мураббийлар компьютер ўйинларига қаршишидаги болаларни жиддийроқ назорат остига олиши зарурлиги ҳақида сўнги пайтларда кўп гапиримоқда. Чунки энг яхши деб эътироф этилган компьютер ўйинларининг ҳам ижобий таъсiri жуда кам. Шу ўринда бир мисол: япониялик тадқиқотчилар компьютер ўйинлари инсон миясининг кўриш қобилия-

верситети олимлари немис ҳамкаслари билан биргаликда ўтказган изланишлари натижасида компьютер ўйинлари хотирага ноҳуҳ таъсир кўрсатишини яна бир бор исботлаши. Аниқланишича, компьютер ўйинига ружу кўйган одам хотирасидан воқеа-ходиса, ахборотлар қисман, баъзан эса бутунлай ўчиб кетар экан. Тажрибага 40 нафар кўнгилли жалб этилиб, улар ҳар хил мавзудаги мақолаларни ўқишиади. Сўнгра 20 нафар иштирокчи ярим соат компьютерда ўйин ўйнайди. Якунда ўйин ўйнаганлар қабул қилинган ахборотни хотирада яхши сақлаб қололмагани аниқланди.

ХУЛОСА

Бугунги тараққиёт ҳар бир кишидан компьютердан самарали фойдаланишга доир билимларни ва кўникмаларни эгалашни талаб қилаётганини рост. Шунинг учун катталар қатори мактаб ёшидаги болалар ҳам монитор қаршисида кўп вақтини ўтказади. Аммо мақсад нима? Бу ўта муҳим савол. Компьютернинг телевизорга қараганда қулийларни кўплиги сабабли, унга боғланиб қолиш ҳам осон. gorsun.org.ru сайтида келтирилган маълумотга қараганда, жисмоний соғлиқ учун заарли, шахсий хусусиятларнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи компьютер ўйинларига ўғил болалар қиз болаларга қараганда кўпроқ берилиб кетиши аниқланган. Уларнинг эътиборига эса мантикий ўйинларга қараганда эпчиллик ўйинлари, яъни спорт ўйинларининг компьютер варантлари кўпроқ тушади.

Якунда эса бир холосани такрор бўлса-да, ёдинизга солмоқчи эдик. Мутахассислар компьютер ҳар доим болага янги ахборотларни олишида восита бўла олмаслигини аллақачон алоҳида эътироф этишган. У ахборотларни ёдда сақлаш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради ёки имкон тугдиради,



ти ва ҳаракатланиш манбасини таъминлаб берувчи қисмларига салбий таъсир кўрсатишини аниқлашган. Шунингдек, тадқиқотлар болалар компьютер олдидага кўп вақтини ўтказса, миянинг олд кисми ривожланиши сусайганини кўрсатди. Бу қисмнинг фаол ишлаши

холос. Шунинг учун компьютер олдидага ўтадиган вақтни тартибга солиш фойдаланниб ҳоли эмас.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухабири

АМАЗОНКА БҮЙЛАБ ОДИМЛАГАН ИЛК ИНСОН

Буюк Британия армиясининг истеъфодаги ҳарбий ходими, 34 ёшли Эд Стаффорд Амазонка дарёсининг бошидан то этак кисмигача бўлган масофани пиёда босиб ўтган илк инсон сифатига ўз номини тарих зарвақалрига ёздириб колдирадиган бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Амазонка Ер юзида энг узун дарёлар рўйхатидаги Нил дарёсидан кейин иккинчи ўринда туради. «Дейли Мэйл» нашрининг хабар беришича, саёҳатчи ўз мақсадига эришиш учун салкам икки ярим йил, анироғи, 859 кун пиёда йўл юрган.

Мазкур саёҳат 2008 йил 2 апрелда Перудаги Мисми тогидан бошланиб, бир неча кун олдин Белем шаҳридан (Бразилия) салкам 150 километр шимоли-шарқда, Атлантика океани соҳилларида ўз поёнига етди. Эд Стаффорднинг сўзларига қараганда, мазкур хатарли саёҳат Амазонка водийсига ўрмонларни муҳофоза килиш ва маҳаллий аҳоли ҳайтига қизиқиш ўйғотиш мақсадида уюштирилган. Шунча муддат давомида саёҳатроғни тасвирга олиб, видеоёзувларни ўзининг интернетдаги саҳифасига сунъий йўлдош орқали узатиб турган.

Эд Стаффорд саёҳатини бир йил ичига якунлашни режалаштирганди. Лекин худудаги тошқинлар туфайли 6 100 километрлик йўл яна 3 200 километрга узайган. Саёҳат бошида Эд Стаффордга унинг ватандоли, таҳрибали саёҳ Люк Коллайер ҳамроҳлик қилган, аммо бирор вақтдан сўнг номаълум сабабларга кўра сафарни тұтхатган. Кейинчалик, 2008 йилнинг июль ойида Эд Стаффордга перулик ўрмон назоратчи Гадиэль Чо Санчес Ривера қўшилган ва улар биргаликда саёҳатни якунлашган.

КИМ ЗИЙРАК УХЛАЙДИ?

Ҳарвард тиббиёт мактаби ва Массачусетс шифохонаси (АКШ) нейрофизиолог олимлари энцефалограмма ускунаси ёрдамида ухлаётган инсон мияси текширилганда маълум тебранишлар кузатилишини аниқлашган. Энг кизиги, бундай тебранишлар билан уйқудаги одамнинг ташки товушлар таъсирида қанчалик тез ўйғониши ўтасида боғлиқлик бор экан, деб ёзди «Кар-

рент Байложи» журнали.

Тадқиқотчilar инсон ўйку давомида 11–15 герц частотали тўлқинлар тарқатишини кузатишган. Илк маротаба ўтган асрнинг 30-йилларида аниқланган миядаги мазкур тўлқинлар давомийлиги 0,5 — 1,5 сонияни ташкил этади. Сўнгги тадқиқотчilar пайтида олимлар ушбу тўлқин миянинг таламус, яъни аҳборотлар узатилишида асосий функцияни бажарувчи қисмда юзага келишини аниқлашган.

— Бундан тўлқинлар ухлаётган инсоннинг миясида аҳборотни қайта ишланишига таъсири кўрсатади, деган хulosага келиш мумкин, — деб изоҳ берди мутахассис Жеффри Элленбоген. — Аслида мазкур тахмин тиббиёт назариясида мавжуд бўлиб, унга факат амалий далиллар етишмайди.

Тадқиқотчilar тажрибага ўртacha 26 ёшли кўнгиллиларни жалб этган. Улар лаборатория шароитида уч кечга ўйкуда бўлган. Биринчи куни иштирокчilar жимжитлиқда дам олган, навбатдаги икки тун давомида олимлар уларга майший ҳаётда кузатиладиган турли (телефон кўнгироги ёки жўмракдан оқаётган сув каби) шовқинлар аудиоёзувларини ёзитишиб, безовта қилишган. Даставал шовқинлар паст овозда, кейин секин-асталик билан одам ўйғонмагунча баландлатиб кўйилган.

Якунда энцефалограмма ускунаси ёрдамида қилинган ёзувлар таҳлили ҳар бир инсон миясида факат ўнагина хос тўлқинлар тарқалиши аниқланди. Эътиборлиси, жараёнда ўйку пайтида миясида тўлқинлар кам кузатилган иштирокчilar паст товушли шовқиндан ҳам тез ўйғониши кузатилган. Бошқача қилиб айтганда, улар қолганларга нисбатан зийрак ухлар экан. Олимларнинг айтишича, изланиш одам улғайгани сари уни ўйғотадиган товуш ҳам пасайиб бориши ва миядаги тўлқинларнинг кузатилиши ҳам шунга мос равишда камайишини амалда исботлади.

САРАТОН ДАВОСИЗ ЭМАС

Буюк британиялик олимлар генетик мондификацияланган (ўзгартирилган) вирус ёрдамида саратоннинг бир неча турини даволаш синовлари лаборатория шароитида мувоффакиятли кечганини маълум килишди. Бу ҳакида «Мэдикал эксперт» нашри хабар берди.

Бош ва бўйин саратонини янгича даволаш усули тажрибаларида 20га яқин бемор иштирок этган. Лондон шифохоналарининг бирида улар кимё ва радиотерапия усуллари ёрдамида муолажадан ўтган, натижада иштирокчilarнинг деярли барчасида хавфли ўスマлар йўқолгани аниқланган. Янги даволаш методига кўра, маълум турдаги вирус зарарланган ҳужайраларга қарши курашиш мақсадида танага киритилади ва улар астасекинлик билан иммунитет тизимининг мустаҳкамланишига турткি бўлади.

— Саратонни даволашда бугун кўлланиладиган аксарият методлар касалликинг дастлабки босқичида самара бериши мумкин, — деди Лондондаги Саратон касаллиги тадқиқотлари институти олими Кевин Харрингтон. — Лекин кўп ҳолларда беморларга ташхис кўйилганда ҳасталик аллақачон авж олгани аниқланади. Шу нуқтаи назардан ушбу муолажа усули тиббиётда мухим аҳамият касб этиши кутилмоқда.


Тажрибада танлаб олинган вирус генлари ўзгартирилиб, микроорганизм зааралланган ҳужайралар ичига ўсишга тайёрланди. Эътиборлиси, бу жараёнда соглом ҳужайраларга зарар етмайди. Организмга тушган «вирус» бир неча вазифаларни бажаради. Микроорганизм кўпайиб, заарланган ҳужайраларни нобуд кипади ва айни пайтида инсон танасига зарур табиий оқсил ишлаб чиқарди. Ўз навбатида, иммунитет тизимини тиклайди ва мустаҳкамлайди.

Тажриба сўнгидаги изланишга жалб этилган ва организмiga «вирус» киритилган беморларнинг 93 фоизида жарроҳлик операцияси ёрдамида ўスマлар олиб ташланганидан кейин ҳеч қандай саратон ҳужайралари кузатилмаган. Икки йилдан сўнг эса тажриба қатнашчиларининг 82 фоизида касаллик қайталанмагани кузатилди. Тадқиқот раҳбарининг сўзларига қараганда, айнан шу ҳолат уларни кўпроқ куонтириди. Боиси 35-55 фоиз ҳолатда кимё ва радио терапиясидан ўтган беморларда ҳасталик қрайталанганда аниқланади.

Колаверса, вирусдан муолажа мақсадида фойдаланиш хавфсиз экани ҳам аниқланди. Шу сабабли, ҳозирги кунда мутахассислар вирус тери саратонига қарши курашида қандай натижа бериши юзасидан тадқиқотларни давом эттироғида.



ЯНГИ КУРИНИШДАГИ КОМПЬЮТЕР



Хисоблаш машинаси ичидаги металл ўтказгичларни оптик тармоқлар учун мослаш технологияси яқин келажакда унинг дизайнини ўзgartириб юбориши мумкин. Умуман олганда, оптик алоқа тизимлари орқали маълумотларни узок масофаларга узатиш одатий ҳолга айланаб бормоқда. Лекин, «Интел» компаниясининг Фотоника лабораторияси илмий ходимлари бу тажрибани янада тақомиллаштириш мақсадида изланиш олиб борди. Улар микросхемаларни оптик каналларга алмаштирганда аҳборотларни узатиш тезлиги кескин равишда ортганини қайд этишиди. «Хай технологиес» манбасида бу ҳакида хабар берилди.

Марио Паниччия раҳбарлигидаги бир гурӯх тадқиқотилар мазкур технологияга асосланган ҳолда маълумотларни узатишнинг янги тизимини намойиш этди. Бундай компьютер платаси ўртасига лазерли чип жойлаштирилиб, у электр сигнални оптик турдагисига айлантиради.

Ҳозирча янги тизим орқали бир сонияда 50 гигабайтга тенг маълумот узатиб берилиши қайд этилди. Бу тўлиқ метражли фильмни бир сониядан кам вақтда юклаб олиш мумкин, деганидир. Қиёс учун маълумот: айни кунда металл ўтказгичлар ёрдамида ишлайдиган компьютерлар орқали секундига 10 гигабайтга яқин тезлик билан аҳборот алмашиниш мумкин. Мутахассисларнинг таъкидлашича, келгусида лазерли чипларни кўпайтириш хисобига маълумотларни секундига 1 терабит тезлигидаги узатиш имкони юзага келади.




АЙСБЕРГ «САЁХАТИНИ» БОШЛАДИ

Гренландия оролининг шимоли-ғарбида жойлашган Петерман музлигидан тахминан 251 квадрат километрга тенг «бўлак» ажралди. НАСАнинг «Ақва» йўлдоши ёрдамида олинган суратлар улкан музлик ўзининг тўртдан бир қисмини йўқотганини кўрсатди. «Инновьюс» порталада келтирилишича, янги хосил бўлган «муз ороли» Шимолий кутбдан минг километр масофа узоклиқда бўлиб, улкан чучук сув захираси хисобланмоқда.

Бунга қадар Петерман музлиги Гренландияда энг катта хисобланарди, — деди Дэлавер университети олими Андреас Мунчо. — Ушбу улкан музтоғ ҳар йили океангаг томон тахминан 1 километр масофага «сурилиб» келяпти. Бир неча ой илгари самовий йўлдошлар орқали олинган суратларда музликда қатор ёриқлар пайдо бўлгани сезилганди. Аслида ўша пайтданоқ унинг бир қисми ажралиши маълум бўлганди. Аммо бунга факат глобал исишини сабаб қилиб кўрсатиши у даражада тўғри эмас.

Олимлар ҳар йили Гренландия музликларидан минглаб турли ҳажмдаги айсберглар ажралишини маълум қилмоқда. Аммо бу каби ҳажмдагиси охирги маротаба 1962 йили кузатилганди. Бу ҳолатга Гренландия музликларининг сувости оқимлари асосий сабаб қилиб кўрсатилади.

ИЎҚОЛИБ КЕТГАН ҲАЙВОНЛАР ИЗЛАНМОҚДА



Мутахассисларнинг айтишича, айсберг жанубга қараб ҳаралтана бошлаган ва тез орада Нэрс бўғозига этиши кутилмоқда. Шу билан бирга, унинг мухим денгиз йўлларини кесиб ўтиши ҳам таъкидланяпти. Агар тахминлар тўғри бўлса, музлик яқин иккى йилда Баффин Ери ороли ва Лабрадор яримороли соҳиллари бўйлаб Атлантикага етиши мумкин. Бу эса табиийки, океанда кемалар қатновига салбий таъсири кўрсатиши мумкин.

Бу жонзотлар барча умуртларларга нисбатан энг аянчи ахволдалиги аниқланди. Сабаби, уларнинг ўтдан бир қисми йўқолиб кетиши хавфи остида экан. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, бунга асосий сабаб одатий яшаш мухитининг ўзгаришидир. Масалан, Исландияда ҳар кимёни ўтдан бир қисми йўқолиб кетган. Биринчи яшайдиган тарбиятни ўтадиган музлик ҳасталик тарқатувчи асосий манба сифатида қаралган. Ҳолбуки, ушбу табиий шароит кўплиб экотизимнинг мухим таркибий қисми бўлган жонзотларнинг яшаш макони экани ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган. Оқибатда, ботқоқликларнинг оммавий равишда куритиб юборилиши туфайли мазкур турдаги курбақалар бугунга келиб буткул йўқолиб кетди.

Колаверса, сўнгги пайтида ҳайвонлар учун яна бир хавф пайдо бўлганини олимлар таъкидлашмоқда. Аниқроғи, хитридиомиз номли замбурурги касаллик авж олган. Ёввойи ҳайвонларни хасталиқдан саклаш ҳам, унинг тарқалишининг олдини олиш ҳам кийинчиликлариз кечмаяпти. Чунки батиши жонзотлар замбуруқка қарши табиий иммунитетга эга бўлса, қолганлари киска фурсат ичига нобуд бўлмоқда. Мисол учун, Кос-Рика оловранг курбақаси сўнгти марта 1990 йили суратга олинганди.

Шу ўринда ретробатраҳа курбақасини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Кизиги, бу амфибиа ургочиси ўз фарзандини ошқозонида катта қилади. Бунинг учун она курбақа ҳеч нарса емаслиги керак, чунки шу йўл билан ўз боласи учун ўтга хавфли ошқозон мөъдасини ишлаб чиқармаслиги мумкин. Тадқиқотчilar ошқозон яраси касаллигига қарши янги дори ишлаб чиқиш мақсадида бу жонзотни батафсил ўрганиш ниятида эди, Лекин улар ултурмай қолиши: 1985 йилга келиб курбақа йўқолиб кетганлар рўйхатидан жой олди.

Табиатни муҳофаза қилиш ҳалқаро ташкилоти хабар беришича, агар юкорида тилга олинганди барча турдаги ҳайвонлар ҳали-ҳамон умргузаронлик қулаётгани аниқланса, уларни сақлаб қолиш учун барча зарур сайд-ҳаракатлар амалга оширилади.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

So'z ko'rki

NEGA SHUNDAY DEYMIZ?

(Davomi. Boshi o'tgan sonlarda.)

CH

Chiranma g'oz, hunaring oz. Maqol majoziy ma'noda, vaqtincha erishilgan yutuqlariga keriluvchi, hovliqma odamlarga nisbatan qo'llaniladi. To'g'ri ma'nosida, g'oz begona odam-u jon-jonivorni ko'rsa, bo'ynini cho'zib, xavotirlanib, "g'oq-g'oq" deya hujum qilgan bo'ladi. Aslida, shu po'pisa bilan o'z yo'liga ravona bo'lib, to'piga qo'shiladi. Shundan bilganlar "Chiranma g'oz, hunaring oz" deya mutoyiba qiladilar.

Chiroying borida chinoringni top. Chinor eng uzoq umr ko'radigan daraxtlar sirasiga kiradi. Odatta qizlarga nasihat tarzida aytildigan mazkur maqol bilan "Husn-jamolga to'lishgan vaqtingda, umr bo'y senga hamroh bo'ladi, suyanchig'ing, jufti halolingni topib ol. Vaqtini g'animat bil", demoqchi bo'ladi. Umr kabi yoshlik, chiro, husn-u jamol ham o'tkinchidir, g'aflatda qolma, deya ogohlantiradilar.

Chiqqan qiz — chig'iriqdan tashqari. Uzatilgan, chiqarilgan qiz ro'zg'or "tegirmoni" dan tashqarida. U o'z oilasi, eri, qaynona-qaynotasi, bolalariga ega. Shu sababli ota ro'zg'ori ulushiga da'vogar bo'la olmaydi aqidasi bilan turmush kechirgan qavmlarimiz, go'daklikdan qiz bolalarni "Chiqqan qiz — chig'iriqdan tashqari" maqoli ta'limida tarbiyalaganlar. Nozik jins vakillari o'zbekchilikda ilk qadamlaridan o'z uyi, oilasi, ro'zg'ori mehri ilinjida kamol topishgan.

Chumchuq so'ysa ham, qassob so'ysin. Bu maqol ko'pincha: "Birovgaga bir ish qildiradigan bo'lsang, u yumush arzimagan, kichkina bo'lsa ham, ustafiga, qo'lidan kelgan odamga murojaat qil" degan ma'noda aytildi. Chunki har ishning ustasi ustoz, pir ko'rgan, ular oq fotihasini olgan, halol mardum hisoblanadi. Ajdodlarimiz har ishda tasodifiy, yuvuqsiz, farishtasiz kimsalardan hazar qilganlar.

Cho'tirning ham o'z husni bor. Bu bilan xalqimiz beayb parvardigor, birovni o'poq, boshqasini so'poq dema, har kimning o'ziga yarasha husni-chiroyi bor. Hamma gap insonning tab'i, didi, dunyoqarashida, kimga qanday odam yoqadi — u yolg'iz o'ziga-yu xudoga ayon, degan aqidani ilgari suradi. Har qanday holatdan ezzulik, insoniylik izlagan qavmlarimiz bu bilan inson ichki madaniyati, qalb go'zalligi, ma'naviyati boyligini ta'kidlaganlar.

SH

Shamol bo'Imasa, daraxtning uchi qimirlamaydi. Muqobilari: "Yelsiz terak tebranmas"; "O't bo'Imasa — tutun bo'Imas"; "It qora ko'rmasa, hurimas"; "Engak qimirlamasa, soqol likillamaydi"; "Tagsiz xabar tarqalmas". Bu majoziy maqollar bilan xalqimiz hech bir ish, hodisa sababsiz, asossiz bo'Imaydi; sabab tufayli muayyan oqibat, voqe-a-hodisa kelib chiqadi; biror jumboq, muammo, mushkul ishga duch keldingmi, buning asl sabablarini izla, ayb kimda, o'zingda emasmikan, kabi ma'nolarni ko'zda tutadi. Odamlar orasida sen haqingda bir gap chiqibdimi, demak, bunda bir mantiq, jon bor, demoqchi bo'ladi.

Sheriklik oshni it ichmas. Odatta ikki it bir yaloqdan sarqit ichadigan bo'lib qolsa, bir-biri bilan talashib, irillashib, qopishib ketadi. Bu maqolni sheriklik ish qilib, o'zaro bitisha olmay, kelisholmay urishib-janjallahib yuradigan odamlarga qarata istehzo, kinoya tarzida aytadilar. Sheriklik ishlariga doir yana shunday maqollar ham bor: "Sheriklik tovuqdan yolg'iz tuxum yaxshi"; "Sheriklashib ishlaganning yuragi sherdai bo'ladi"; "Avvalambor, mingashma, mingashgan so'ng indashma".

Mahmud SATTOR

(Davomi bor.)

ИЛМНИНГ УМРИ БОҚИЙ

Тириклик, ҳаёт, илм-ижод — бебаҳо неъмат. Бу неъматларнинг аччиқ-чучугини туйиш, улардан баҳра олиш, улуш кўшиш эса ундан-да баҳт. Мана шундай баҳтга мушарраф бўлганлардан бири, сўзшунос олим, услубшунос журналист, жонкуяр мураббий, талабчан устоз, филология фанлари номзоди, доцент, ЎзМУ услубият ва таҳrir кафедрасининг собик мудири Ирисали Тошалиевдир.

Афсус, оғир хасталик, уни илмий теранлигининг авжи палласида орамиздан олиб кетди. Лекин тасалли берадигани шуки, у бугунги кунда ўзининг иккинчи умрини яшяпти. Ирисали Тошалиевдан қолган бой маънавий мерос, уларда илгари суриглан илмий қарашлар, ўрганилган муаммолар ҳар куни ўкув аудиторияларида ўз аксини бермоқда, номи эса тақрор-тақрор тилга олинмоқда.

Дарҳақиқат, олим ўз ҳаётини талабаларсиз, университетсиз, илмий-ижодий изланишларсиз тасаввур эта олмаган. У мустақиллик йиллари айниқса, самарали фаoliyat кўрсатди. Университет таълими учун журналистика мутахассислиги бўйича «Ўзбек тили стилистикаси», «Адабий таҳrir асослари», «Газета жанрлари услубияти», «Ўзбек тилининг амалий услублари», «Газета тили», «Нутқ маданияти», «Сарлавҳа санъати», «Матн услуби», «Турли нашрлар таҳriри», «Оммавий ахборотнинг тили ва услуби», «Сарлавҳа стилистикаси», «Ўзбек тили услубияти», «Адабий таҳrirning мантиқий асослари», «Таҳrir амалиёти», «Хозирги ўзбек тили. Синтаксис», «Нутқ маданияти асослари», «Мустакил ўзбек матбуоти тили ва журналист маҳорати» каби ўкув кўлланмаларини яратди. Булардан ташқари, матбуот тили



Тилшунос — сўзшунос олим Ирисали Тошалиев умрининг сўнгги кунига қадар ҳам

сўз илмини, ўз касбини севгандлиги, ўзига талабчанлиги, қолаверса, замон талабини, раҳбарлик масъулиятини жиддий хис қилгандлиги боис қўлидан қаламини қўймади. Хатто охирги кунлар яқинлашашётгандигини хис қилган дақиқаларда ҳам васияти шундай бўлган эди: «...Менинг учта кўлёзма китобим уч кишининг қўлида қолаяпти, хотирангиздан чикмасин...», — дея умр йўлдошига эслатган эканлар. Бу китоблардан бири — «Оммавий ахборотнинг тили ва услуби» номли ўкув кўлланмаси олим ҳаётининг сўнгги кунларидан нашрдан чиқсан бўлиб, бу хушхабар етиб келишига улгурмай, устоз оламдан ўтган эди. Колган иккита иш нашрга тайёрланиш жараёнida.

Бу билан демоқчи бўлганимиз шуки, ҳаётда мана шундай касбига фидойи инсонлар, унинг ишини давом этирувчи ҳамкасб шогирдлар, издошлар, фарзандлар бор экан, илмнинг, илм кишисининг умри ҳамиша бўқийдир.

Ф.ЭГАМБЕРДИЕВА,
ЎзМУ журналистика факультети доценти

Fanimiz fidoyilar

Олимнинг
«Ўзбек болалар шеърий фольклорининг жанр таркиби ва бадиияти» мавзуидаги докторлик диссертацияси асосида яратилган «Ўзбек болалар поэтик фольклори» монографияси тур-

тонгининг чирокларисиз» рисоласи академик шоир Fafur Fуломнинг болалар шеърий ва насрый асарлари янгича нұқтаи назардан ўрганилгандиги билан қизиқарли. «Шеърим — очил дастурхон» рисоласи XX аср ўзбек болалар шеъриятининг улкан намояндаси Куддус Мухаммадий ижодининг ҳар томонлама тадқиқ этилгандиги билан ажralib турса, «Кувноқбойлар олами таровати» рисоласида олим Шукур Саъдулла ижодига яна бир бор қайтади, шоир ҳаёти ва ижодининг эътибордан четда қолган янги қирраларини топишга ҳаракат қилади.

Олимнинг узоқ йиллик изланишлари самараси сифатида яқинда китобхонлар эътиборига «Болаликнинг ойдин осмони» деб номланган тўрт бўлимдан иборат сайданмаси ҳавола этилди. Ўзбек болалар адабиётининг жонкуяр тадқиқотчиси профессор О.Сафаров узоқ йиллик илмий изланишларининг мавбатдаги мұваффакиятли самараси сифатида ўз китобхонини топа олиши, айниқса, соҳа тадқиқотчилари янги изланишларга ундаши, шубҳасизdir.

Рахматулла БАРАКАЕВ,
филология фанлари номзоди,
ЎзФА Тил ва адабиёт институти илмий котibi

БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОРИ ОШУФТАСИ

кий ҳалқлар фольклоршунослигини ўзига хос тадқиқ этгани билан аҳамиятли бўлди. Шуни алоҳида қайд этиш жоизи, О.Сафаров болалар адабиётининг қайси бир жабхасига кўл урмасин, ўз тадқиқотларига янгича қараш ҳамда янгича талқин ва таҳлил билан ёндашганлигини англаш қийин эмас. Масалан, «Ўзбек болалар китобхонлигининг мұхтасар тарихи манзаралари» рисоласида «Авесто»дан XIX аср охирларигача бўлган даврда яратилган кўплаб панднома асарлар болалар китобхонлигининг турли даврлардаги ўзига хос намуналари сифатида таҳлил ва тадқиқ этилган бўлса, «Келажак

СИНГАПУРДА БАЙРАМ БОШЛАНДИ

Жорий йилнинг 21 июлида нафосат ва навқиронлик айёми — ёшлик олимпиадаси йўлини ёртиш учун кўхна Юнонистонда машъала кўр олдирилганди. У роппа-роса йигирма тўрт кун йўл юриб, афсоналар мамлакати бўлмиш Сингапурга етиб келди. Энди уни фоқатгина асосий “минбар”га олиб чиқиши қолди. Бу ҳаяжонли ҳолат бугун Тошкент вақти билан 19:30да бошланishi белгиланган.

Ха, бугун Осиё қитъасида дунё миқёсидаги спорт байрами старт олади. Чинакам шодиёна деб аташга лойик мазкур олимпиадада 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган сайдерамизнинг энг кучли ҳаваскор спортчилари ўзаро баҳсга киришади. Ёшлар ўртасида бошланажак I Олимпиада уйинлари очилиши ва у билан боғлиқ айрим кизиқарли маълумотларга тўхталишдан олдин унга мезбонлик қилаётган юрт ҳақида икки оғиз сўз айтиш максадга мувофиқдир. Сингапур (“шерлар шахри” деган маънени англатади) давлатининг майдони 710,2 квадрат километрни ташкил этади. Ушбу митти мамлакат эгаллаган асосий худуддан ташкари, яна 58ta майда оролча Сингапурга тегишилди. Аҳолиси сони салкам 5 миллион киши. 1965 йилнинг 9 августида мустақиллекка эришган.

Бир палаталик парламентар республика ҳисобланади. Мамлакатни президент (Селлапан Раманатан) идора қиласди. Аллақачон 3531 нафар спортчи-қатнашчи жаммулжам бўлган: республиканинг дикқатга сазовор жойларини айланиши билан бир қаторда жисмоний тайёргарликларни бошлаб юборган. Олимпиадани бевосита стадионларда 320 000 нафар томошабин кузатиб боради. 1200 нафар оммавий ахборот воситалари ходимлари аккредитациядан ўтказилган, иштирокчиларнинг тиббий саломатлигини сақлаш учун 20 000 нафар шифокор, ҳамшира ва кўнгилли ёрдамчи сафарбар этилган. Халқаро Олимпия кўмитасидан 205 киши рўйхатдан ўтган, улар ҳам мазкур оламшумул воқеликнинг ташкилотчиси саналади, албатта.

Олимпиаданинг очиши маросими “Барча”

Yoshlar olimpiadasi

деб номланган кўшик билан бошланади. Уни бешта қитъанинг таникли қўшиқчилари ижро этиши режалаштирилган. Мазкур қўшиқда меҳр, дўстлик тўйгулари, барча эзгуликпарвар инсонлар учун сув ва ҳаводек зарур тинчлик тараннум этилади.

Ёшлар олимпиадасида асосан оммалашган ва катта шуҳрат қозонган спорт турларига мурожаат қилинди. Жумладан, сузи, камондан ўқ отиш, енгил атлетика, бадминтон, баскетбол, бокс, каноэда эшкак эшиш,

велопойга, от спорти, қиличбозлик, футбол, спорт гимнастикаси, гандбол, хоккей, дзюдо, замонавий беш кураш, қайиқда эшкак эшиш, қайиқда сузиш, ўқ отиш, стол тениси, таэквондо, тениси, триатлон, волейбол, оғир атлетика ва кураш бўйича мусобақалар 12 кун давомимида бўлиб ўтади.

Уларнинг орасида ўртдошларимиз — Ўзбекистон терма жамоаси ҳам бор. Сўнгги хабарларга қараганда, айни дамда 22 нафар ҳамюртимиз Сингапур спорт залларида (спортнинг 14 тури бўйича) синовларга охирги тайёргарликни кўяпти. Жумладан, Г.Матнисёрова ва М.Мўминхўжаев (дзюдо),



ўчқорова ва Д.Швецов (сузиш), Н.Гадоева (аёллар кураши), Н.Ҳақкулов ва Р.Комилов (юон-рум кураши), Д.Эргашев (эркин кураш), А.Мамажонов ва З.Хурбоев (бокс), Р.Курбонов ва Н.Байкова (енгил атлетика), Л.Асанова (ўқ отиш) ҳамда С.Шарипова (тенис) ilk маротаба ўтказилаётган нуфузли биринчиликда Ватанимиз шаънини ҳимоя қиласди.

Эслатиб ўтамиз, спортчиларимиз мусобақаларга эртага киришади. Даастлаб юон-рум кураши, таэквондо, оғир атлетика ва сузиш бўйича беллашувларга старт берилади. Бу борада ўртдошларимизга омадтилаймиз.

Зоҳиджон Холов



УСТОЗ ЁШЛАР ХОТИРАСИДА

Зомин туманинг 13-мактаб ёшлари тарбиясига ўзининг бутун ҳаёти ва умрани багишлаган устозлар кўп. Ана шулардан бири бошлангич синф ўқитувчиси Абдуазим Галтемиров эди. У ўзининг салкам 40 йиллик мөннат фаолиятини ёшлар тарбиясига багишлади. Шунинг учун ҳам қишлоқ ёшлари уни ўзларининг мөннатибон ва севимли муаллимлари сифатидаги ҳурмат қилиб, хотирлайди.

Яқинда мактабда устоз хотирасида багишланган спорт мусобақаси ўтказилди. Унда шахмат, волейбол, футбол ва стол тениси бўйича беллашувлар бўлиб ўтди. Мусобақаларда мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари жамоаси, Зомин иқтисодиёт касб-хунар коллежи жамоаси ҳамда қишлоқ ёшлари жамоаси голиблик учун кураш олиб борди.

— Мактабимизда бундай мусобақалар ўтказиш анъанага айланган, — деди мактаб директори

Ақмирза Эргашев. — Ўкув масканинг умуммиллий дастур асосида капитал реконструкция қилиниши спорт ишларининг янада жонланишига сабаб бўлди. Ўкувчиларимиз бу имкониятдан фойдаланган ҳолда турли спорт тўғракларида ўз маҳоратини ошириб кельмоқда. Тўғракларимиз ёзги таътил пайтида ҳам фаолият олиб бормоқда. Ушбу хотира турнири «Ёз-2010» спорт мусобақаларининг мантикий давомидир.

А.Содиков,
«Ma'rifat» мухабири

БЎЛГУСИ ГРОССМЕЙСТЕРЛАР БАҲСИ

Yoz-2010

Андижон шаҳрида “Ёз-2010” дастуридан ўрин олган спортнинг шахмат тури бўйича боалалар ва ўсмиirlar ўртасида очик турнир ўтказилди. Тадбир униб-ўсиб келаётган ёш авлод учун тафаккурни тоблашда, мантикий фикрлашни кучайтиришда катта ёрдам беради.

Мазкур мусобақада вилоятнинг шахар ва туманларидан ҳамда қўшини Фарғона вилоятидан жами 78 нафар ёш шахматчи қатнашди. Қизлар

ўртасида Фарғона вилояти Учкўпrik туманидан Маҳлиё Меликўзиева биринчи, Андижон вилояти Кўргонтепа туманидан Муқаддам Боймаҳаматова иккичи, Шахрихон

ров учинчи ўринни кўлга киритди.

Голиб ва совриндорларни БСРЖ вилоят бўлими бошлиги X.Насруллаев ва “Ёшлик” ЖТСЖ раиси ўринbosari B.Хайдарбеков табриклаб, эсдалик совгалиари ҳамда фахрий ёрликларни топшириди.

О.Сидиков

Андижон вилояти.



ИСПАНЛАР ФАВОРИТЛАР КАТОРИДА

Баскетбол бўйича Испания терма жамоаси бош мураббий Серхио Скариоло август ойининг охирида Туркияда ўтказилиши режалаштирилган жаҳон чемпионатида мамлакат шарафини ҳимоя қиласиган 12 нафар спортчи рўйхатини маълум қиласди.

Таркиба кутилгандек — «Барселона»нинг энг кучли ўйинчиларидан бири, сешанба куни Словенияга қарши ўтказилган матчда жароҳати туфайли иштирок эта олмаган Хуан Карлос Наварро, ундан сўнг «Каха Лабораль» клуби ҳужумчиси Фернандо Сан Эмерито ҳам келиб қўшилди. Айтиш мумкини, ушбу юрт вакиллари баскетбол бўйича ўзига хос мундиалда футbolчи ҳаморларининг муваффакиятини тақорлашга интилиши турган гап.

Эслатиб ўтамиз, жорий йили ўтказиладиган жаҳон биринчилиги испанлар гурӯх босқичида Франция, Канада, Литва, Ливан ҳамда Яңи Зеландия баскетболчилари билан куч синашади.

ХИДДИНКНИНГ ИЛК ФАЛАБАСИ

Машхур голландиялик мураббий Гуус Хиддинк мураббий этиб тайинланган Туркияning футбол бўйича миллий терма жамоаси Руминияга қарши ўтган ўткоғли учрашувида ўз устулигини намойиш этди. Туркия муненлигига килган баҳсада 2:0 ҳисоби қайд этилди.

Шунингдек, Украина ва Голландия терма жамоалари ўртасида кечган ўткоғли учрашувида голиб аниқланмади, ҳисоб 1:1. Голлар муаллифи Ж.Ленс ҳамда А.Алиев.

Дания ҳамда Германия терма жамоалари қарама-қаршилиги даги матч ҳам дуранг натижага билан якунланди. Ҳисобни учрашувнинг 19-дақиқасида олмониялии М.Гомес очишига муваффақ бўлди. 73-дақиқага келиб, П.Хельмес ҳисоби 2:0га етказди. Шундан сўнг Дания жамоаси аъзолари Д.Роммедин ҳамда М.Юнкер рақиблар дарвозасини биттадан ишғол этишига ёришиб, музозанат посангиини тўприлаб қўйиши — якуний ҳисоб 2:2.

ОХИРИГАЧА КУРАШИШ ҲИКМАТИ

Монголия пойтахти Улан-Батор шаҳрида бошланган ва якунига етадиган шахмат бўйича ФИДЕ Гран-Приси галдаги сериясининг бешинчи босқичида хитойлик Хоу Ифань голибликни кўлга киритди, деба ҳабар берди мусобақа расмий сайти.

Хоу Ифандек, Украина ва Голландия терма жамоалари ўртасида кечган ўткоғли учрашувида голиб аниқланмади. Ҳисобни учрашувнинг 19-дақиқасида олмониялии М.Гомес очишига муваффақ бўлди.

Ҳал қўйувчи баҳса ғалабани сўнгги дақиқаларда кўлдан чиқарган А.Стефанова эса 7,5 очко жамгарган ҳолда турнирнинг кумуш медалига сазовор бўлди. Кучли учничи рус шахматчиси Татьяна Косинцева 6,5 балл тўплаб тўлдириди. У бронза медаль унун кечган ақл жангида туркиялик Бетул Илдизни енди.

ОПА-СИНГИЛ БИРЛАШМОКЧИ

Дунёнинг энг яхши тенинчилари — опа-сингил Винус ҳамда Серена Уильямс АҚШ Тенис ассоциацияси Кубоги финалида биргаликда бахс юритишини жуда ҳам истаётганини журналистларга билдири.

Норасмий жаҳон чемпионатининг жуфтликлар баҳсларида опа-сингилларни енгид ўтиш осон бўлмаслиги аниқ. Улар ўйнайдиган асосий матч шу йилнинг 6–7 ноябрь кунлари Италияning Сан-Диего шаҳрида ўтказилади.

— Албатта, ҳамма ўз жамоасига доимо энг яхшиларни жалб этишини истайди. Мен Винус ҳамда Серенанинг бу қароридан мамнунман, — деди АҚШ терма жамоаси сардори Мэри Жо Фернандес.

Америкалик тенинчилар 2000 йилги Федерация Кубогида голиб бўлолмаганди. Ўтган йили эса айнан италияликларга мағлуб бўлишган.

Ш.ЖЎРАЕВА тайёрлади.

**Мұхтарам
Күмрихон Ұсмонбекова!**

Сиз 30 йилдан бўён она тили ва адабиёт фанидан ёш авлодга билим бериб, муносиб шогирдлар тайёрлаб келмоқдасиз. Марьиат нурини таратиб, ўкувчиларни эзгуликка элтаётган Сиздай фидоди устозини доим қадрлаймиз,

Кутлуғ 50 ёшингиз муборак бўлсиз! Сизга узоқ ва сермазмун умр кечириш насиб этишини, оиласизигиз бахтига ҳамиша соғ-саломат юришингизни тилаймиз. Фарзандларининг шогирдларининг изоҳи ва шогирдларининг ардоғида кувониб, улар баҳтини кўриш Сизга насиб этсин. Хурмат билан,

**Юнусобод туманинаги
274-мактаб жамоаси
ва шогирдларингиз**



МАКТАБДА

ўқувчилар билими ошмоқда,
ниҳоллар кўкка бўй чўзмоқда



Яккабоғ тоғлари бағрида-
ги Тотор қишлоғида жойлашган
ушбу таълим маскани 2008 иили
Мактаб таълимини ривожлантириш
давлат умуммиллий дастури асоси-
да куриб фойдаланишга топширил-
ган эди. Ушбу янгиликдан рухлан-
ган мактаб педагогик жамоаси ёш
авлодга таълим-тарбия бериш би-
лан бирга илм маскани атрофини
кўкаламзорлаштириш, анвойи гул-
лар экиб, ободонлаштириш ишла-
рига ҳам астойдил бел боғлади. На-
тижада 2 иил ичидаги мактаб худуди-
да 1000 тупдан зиёд мевали ва ман-
зарали дараҳтлардан иборат боғ
барпо этилди.

— Бугун бу боғни то-
монаша қилиб кўзингиз кувнайди,—
деди 68-мактаб директори Замира
Лутфуллаева. — Мактаб ишга тушган
дастлабки кунлардан бошлаб,
жамоамизнинг сидқидилдан қилган
саъй-ҳаракатлари эвазига 300 туп-
дан ортиқ тоғ арчаси, яна шунча
ёнғоқ ва терак ниҳоллари, 3000га
яқин гул кўчатлари ўтқазилди. Мана,
гувоҳи бўлганингиздек ниҳоллар
кўкка бўй чўзиб, гуллар хуш бўй та-
ратиб турибди. Насиб этса, боғдан
келадиган даромад мактаб биноси-
ни таъмирлаш, ўқитувчilar ҳамда
ўқувчilarни кўшимча рафбатланти-
ришга хизмат килади.

Ёз мавсуми ҳам ниҳоясига етиб бор-
моқда. Ўқувчилар ёзги оромгоҳлардан
жонажон мактаблари қучогига ошиқ-
моқда. Янги ўқув иилига тайёргарлик
ишлари ҳам қизгин паллага кирган.
Ҳар бир ўқитувчи томонидан ўқув хо-
налари билан бирга атроф ободончи-
лигига ҳам алоҳида эътибор бериш ана
шу тайёргарликнинг бир қисмига ай-
ланиб улгурди. Атрофдаги мевалию
манзарали дараҳтлар, турли гулларни
парваришлаш уларнинг кундалик иши-
га айланган. Улар том маънода ёш ав-
лод ва ёш ниҳоллар парваришини уй-
гунликда олиб бормоқдалар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
Муаллиф олган суратлар.

Ma'rifat

**TA'SIS
ETUVCHILAR:**

O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lilm
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim va fan xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Xurshid DO'STMUHAMMEDOV,
Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning
birinchi o'rincbosari), Akmal ISLOMOV
(mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA,
Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rincbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir o'rincbosari,
"Учитель Узбекистана"), Aleksey
CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Уз-
бекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
№ 0067 raqam bilan
ro'yhatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-722.
Tiraj: 27788.

Hajmi 4 bosma taboq.

Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Zohidjon XOLOV

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan
materiallar muallifiga qaytarilmaydi.
Belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rta
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan,
oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi
— 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalarini hayoti
yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat,
xalqaro hayat va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58,
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bosishga sotuvda
erkin narxda

Dizaynerler
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish
vaqt — 21.00.
Topshirildi — 22.40
ЎзА якуни — 21.00